

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК658.*

ПАРМАНОВА ФАРИЗА АКРАМДЖАНОВНА

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КОРХОНА
БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
("QURILISH POLIMER SERVIS" ВА
"TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH" МЧЖлар мисолида)**

5A230201-"Менежмент (қурилиш)"

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
и.ф.н., доц. Давлетов И.Х.**

ТОШКЕНТ – 2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

Факультет: Қурилишни бошқариш

Кафедра: Менежмент

Ўқув йили: 2013-2015

Магистратура талабаси: Парманова Ф.А.

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Давлетов И.Х.

Мутахассислиги: 5A230201 –
“Менежмент (қурилиш)”

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги. Сўнги йилларда мамлакатни модернизация қилиш жараёни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўз аксини топмоқда. Иқтисодий ва ижтимоий модернизация қилиш натижасида мулкчилик шаклидан катъий назар корхоналарнинг бошқарув тизимини такомиллаштиришга ҳам зарурат сезилади. Ваҳоланки, бошқарув тизими корхоналарнинг барқарорлигини таъминлашга, хўжалик таваккалчилигини камайтиришга ҳамда молиявий, моддий ва айниқса, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасига кескин таъсир кўрсатади.

Ҳозирда фаолият юритаётган ҳамда вужудга келаётган корхоналарга эгалик қилиш ва уни бошқариш муаммолари мавжуд бўлиб, бундай муаммоларни ҳал қилиш бугунги куннинг муҳим масаласидир. Айни пайтда қурилиш корхоналарини бошқариш, хусусан уларни малакали ва самарали бошқаришнинг тартибга солинган тизими ва тамойиллари ишлаб чиқилмаганлиги аён бўлмоқда. Чунки, мамлакат иқтисодиёти етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнлари бевосита қурилиш соҳасига ҳам тааллуқлидир.

Юқорида келтирилган мулоҳазалар қурилиш корхоналарида бошқарувни ташкил қилишнинг илмий-услубий томонлари ва

тамойиллари борасида олиб борилиши мўлжалланаётган илмий изланишларнинг долзарб эканлигидан далолат беради.

Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари. Иқтисодий-иқтисодий модернизациялаш шароитида қурилиш корхоналарининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишининг бош мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар ҳал этилди:

- иқтисодий-иқтисодий модернизациялаш шароитида корхоналар бошқарув фаолияти самарадорлигининг назарий-услубий асослари ўрганилди;
- “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZ-QURILISH” МЧЖларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинди;
- Қурилиш корхоналарининг бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳоланди;
- “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZ-QURILISH” МЧЖларнинг бошқарув фаолиятини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот объекти ва предметисифатида “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZ-QURILISH” МЧЖлархўжалик юритиш фаолияти ва бошқарув тизими ҳисобланади.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Иқтисодий-статистик таҳлил, кузатиш, таққослаш, динамика қаторлари, индекс усули ҳамда корреляцион-регрессион таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Иқтисодий-иқтисодий модернизациялаш шароитида қурилиш корхоналари бошқарув самарадорлигини оширишнинг назарий асослари ҳамда уларни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ташкил этади.

Татқиқот ишининг тузилиши. Диссертация иши кириш, 3 та боб, боблар бўйича бўлимлар, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Илмий раҳбар:

доц. Давлетов И.Х.

Магистратура талабаси:

Парманова Ф.А.

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY VACATIONAL EDUCATION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT INSTITUTE OF ARCHITECTURE AND CONSTRUCTION

**“To increase the managing efficiency of the enterprise in the
modernization of economy
(in the exemple of LTD “CONSRUCTING POLIMER SERWISE” and
LTD “TASHSPECIALCLADDINGCONSTRUCTION”)”**

Faculty: Management of construction **Student of a magistracy:** Parmanova.F.A

Department: “Management” **Research Supervisor:** Davletov I.Kh

Academic years: 2013-2015. **Specialization:** 5A230201 - “Management”

ANNOTATION TO THE MASTER’S THESIS

Topicality of the theme. For the past time the modernization of the country is seen in every branch of our life. In spite of the result of the modernization of economy the management of the enterprises is needed to be improving.

So the system of management influences to provide the independence of the companies to reduce the risk of economy and of course financial material and effective usage of labour resources. However, in these conditions the management of enterprises demands new knowledge, experience and actuality from the owner. The management of companies needs the organization of strategic aspects as it has already been proved in the developed democratic countries .

Nowadays, there are some problems about the management of newly established companies and this is the main task of these solving problems .

It’s evidently clear that there is still produced no exact and effective system and strategies of the management of the constructing companies. The result of this case demands that it’s necessary to do scientific research on this topic. According to what has been mentioned before the development of personnel management of companies in Uzbekistan is one of the significant tasks today. Because, the modernization of the active fields of the country, the renewing of the

technology, the diversification of the procedure is related to the branch of constructing.

The aim of the research is to work out suggestions, requires in conditions of the management to increase management system of companies. The task of scientific work to investigate scientific principles of enterprises in modernization of economy.

To achieve the goals following problems **were solved**:

- to learn the theoretical and methodologic basis of the system management;
- to analyse the financial and economic parameters of enterprises and to determine the causing factor to it;
- to learn the foreign experiences of the management of companies;
- to give suggest on the basic direction of perfection of enterprises management operation.

The object of the research is LTD “CONSTRUCTING POLIMER SERVICE” and LTD “TASHSPECIALCLADDINGCONSTRUCTION”.

The subject of the research is the management system of LTD “CONSTRUCTING POLIMER SERVICE” and LTD “TASHSPECIALCLADDINGCONSTRUCTION”, organizing construction and management skills of it.

Scientific novelty of the research is to increase the usage of management system, and develop the organizing economic mechanism, to solve analytical problems and work out suggestions and requires about modernization of economy.

The thesis consists of: an introduction, three chapters, conclusion and bibliography of literature.

Supervisor: Ph.D., associate professor Davletov I.Kh.

Student of a magistracy: Parmanova F.A.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	8
I БОБ.МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КОРХОНА БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	14
1.1. Корхонанинг бошқарув тизими ва унинг таркибий тузилиши.....	14
1.2. Корхона бошқаруви самарадорлиги тушунчаси ва асосий мезонлари.....	23
1.3. Корхонанинг бошқарув самарадорлиги кўрсаткичлари.....	31
ЎБоб бўйича хулоса.....	36
II БОБ. “QURILISH POLIMER SERVIS” ВА “TOSHMAXSUSPARDOZ QURILISH” МЧЖЛАРНИНГ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ ҲАМДА МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	38
2.1. “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZ QURILISH” МЧЖлар фаолияти ва уларнинг бошқарув тузилмалари.....	38
2.2. “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZ QURILISH” МЧЖларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили...	46
2.3. Қурилиш корхоналарининг бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш.....	69
ЎБоб бўйича хулоса.....	78
III БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	80
3.1. Қурилиш тармоғини модернизациялаш ва диверсификация қилиш шариоитида корхона бошқарувини такомиллаштириш.....	80
3.2. “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZ QURILISH” МЧЖларнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари.....	83
ЎБоб бўйича хулоса.....	89
ХУЛОСА.....	91
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	96

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосини иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнлари ташкил этади. Жумладан, 2014 йилда Ялпи ички маҳсулотнинг 8,1 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8.3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6.9 фоиз, қурилиш ишлари кўлами 10,9 фоиз, хизматлар кўрсатиш ҳажми 13.5 фоиз, чакана товарлар айланмаси эса 14.3 фоизга ошгани¹ бунинг яққол далилидир.

Президент И. Каримов томонидан 2015 йилга мўлжалланган кенг кўламли дастурий мақсад ва вазифалар сифатида таъкидлаб ўтилганидек, “Биз иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш,... ҳисобидан ўз олдимизга қўйган марраларга албатта эришамиз.”² Дарҳақиқат, мазкур дастур мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларининг барқарор ўсишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Сўнги йилларда мамлакатни модернизация қилиш жараёни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўз аксини топмоқда. Иқтисодиётни модернизация қилиш натижасида мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналарнинг бошқарув тизимини такомиллаштиришга ҳам зарурат сезилади. Ваҳоланки, бошқарув тизими корхоналарнинг барқарорлигини таъминлашга, хўжалик таваккалчилигини камайтиришга ҳамда молиявий, моддий ва айниқса, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасига

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 16 январдаги 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлиси ҳақидаги Ахборот // Халқ сўзи 2015 йил 19 январь.

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2015 йил 16 январдаги “Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи 2015 йил 19 январь.

кескин таъсир кўрсатади. Зеро, мазкур шароитларда корхонани бошқариш учун раҳбардан янги билим, тажриба ва маҳорат талаб қилинади. Шунингдек, корхоналарни бошқариш маълум бир тамойиллар ва стратегик йўналишлар асосида ташкил қилиниши лозим эканлиги ривожланган демократик мамлакатларнинг тажрибаларида аллақачон исботланган.

Ҳозирда фаолият юритаётган ҳамда вужудга келаётган корхоналарга эгалик қилиш ва уни бошқариш муаммолари мавжуд бўлиб, бундай муаммоларни ҳал қилиш бугунги куннинг муҳим масаласидир. Айни пайтда қурилиш корхоналарини бошқариш, хусусан уларни малакали ва самарали бошқаришнинг тартибга солинган тизими ва тамойиллари ишлаб чиқилмаганлиги аён бўлмоқда. Шу билан биргаликда, миллий иқтисодиёт хусусиятларини инобатга оладиган бошқарув тамойиллари ва йўналишлари ҳозиргача тўлалигича ишлаб чиқилмаган, бу борада ўзининг ижобий ечимини кутаётган нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан аҳамиятга молик бўлган қатор муаммолар мавжуд. Ушбу ҳолат ўз навбатида мазкур йўналишнинг турли қирраларида илмий изланишлар олиб борилиши заруратини келтириб чиқармоқда.

Айни пайтда қурилиш корхоналарининг бошқарувини самарали ташкил этиш масаласини ўрганиш ва соҳада илмий жиҳатдан асосланган амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, мамлакат иқтисодиёти етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнлари бевосита қурилиш соҳасига ҳам тааллуқлидир. Шу боисдан, соҳани янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юқорида келтирилган мулоҳазалар қурилиш корхоналарида бошқарувни ташкил қилишнинг илмий-услубий томонлари ва тамойилларини, шунингдек уни ташкил қилиш йўналишлари борасида олиб борилиши мўлжалланаётган илмий изланишларнинг долзарб эканлигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрганилаётган мазкур муаммо Ўзбекистонлик ва хорижлик бир қатор олимлар томонидан турли даврларда атрофлича ёритиб келинган ва келинмоқда. Жумладан, хорижий олимлар Котлер Ф., Армстронг М., Келлер К.А., Стивен П., Коултер М., Стиван В.А., Монферд Ю.Б., Торрингтон Д., Холл Л., Тэйлор С., Мескон М., Альберт М., Франклин Х., Мюнстерберг Г., Фоллетт М. ва бошқалар бошқарув фанига асос солган ва унинг ривожига салмоқли ҳисса қўшган олимлар ҳисобланади.

МДХ давлатлари олимлари Большаков А., Грузинов В.П., Волгин Н.А., Фатхутдинов Р.А., Степанов П. С., Прокопчук Л.О., Каратуев А.Г., Павленков В.А., Одегов Ю.Г., Котова Л.Р., Васильев Ю.В., Парахина В.Н., Ушвицкий Л.И., Кнорринг В.И., Аксенов С.Л., Скляренко В.К., Прудников В.М., Соколова М.И., Дементьева А.Н. ва бошқаларнинг асарларида мазкур муаммо кенг ёритилган.

Ўзбекистонлик олимлар Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё., Зайнулдинов Ш.Н., Шермухаммедов А.Т., Зиявутдинова Н.М., Йўлдошев Н.Қ., Акназаров Д.Ф., Нурибетов Р.И., Қозоқов О.С., Махмудов Э.Х., Сабирджанова Д.К., Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Хасанова Р., Махмудов Б., Перегудов Л.В., Улашев И.О., Атамурадов Ш.А., Мухитдинов Х.А., Собиров А.А., ва бошқалар томонидан чуқур изланишлар олиб борилган.

Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, бозор иқтисодиётининг ривожланиб бориши, давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий ислохотлар асосий йўналишларининг белгилаб берилиши ҳамда хўжалик субъектларини бошқариш жараёнларининг замон талабларига мослашуви корхоналарни бошқариш тизимида ҳам ўз навбатида маълум ўзгаришларни тақозо этмоқда.

Тадқиқот ишининг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қурилиш корхоналарининг бошқарув тизими самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишининг вазифалари. Тадқиқот ишининг бош мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгилаб олинди:

- иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналар бошқарувфаолияти самарадорлигининг назарий-услубий асосларини ўрганиш;
- “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZ-QURILISH” МЧЖларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;
- Қурилиш корхоналарининг бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш;
- “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZ-QURILISH” МЧЖларнинг бошқарув фаолиятини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти Тошкент шаҳрида жойлашган “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” МЧЖлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” МЧЖларнинг бошқарув тизими, ташкилий тузилиши ҳамда бошқарув усуллари ҳисобланади.

Тадқиқот методлари бўлиб, иқтисодий-статистик таҳлил, кузатиш, таққослаш, динамика қаторлари ҳамда корреляцион-регрессион таҳлил ҳисобланади.

Тадқиқот гипотезаси. Корхоналарнинг бошқарув самарадорлигини ошириш ва бошқарув тизимини янада такомиллаштириш борасидаги назарий хулосалар ва амалий таклифлар корхона фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот ишидан кутиладиган натижалар. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналар бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ҳамда услубий асослар қурилиш корхонасининг иқтисодий, ташкилий-маъмурий ва ижтимоий-руҳий

усуллар асосида бошқарув фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга олиб келади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий хулосалари қурилиш корхоналари бошқарувини янада самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш учун хизмат қилади.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида қурилиш корхоналари бошқарув тизими самарадорлигини оширишнинг назарий асослари ҳамда уларни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш ва амалий муаммоларни ҳал этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Хусусан:

- корхона бошқаруви самарадорлигига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда корхоналарни самарали бошқаришнинг илмий ҳамда услубий асослари назарий жиҳатдан ёритиб берилди;
- “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZ QURILISH” МЧЖларнинг бошқарув фаолияти ҳамда молиявий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;
- корхоналар бошқарувининг хорижий тажрибалари ўрганилиб, миллий иқтисодиёт хусусиятларини инобатга олган ҳолда корхоналарни самарали бошқаришнинг муҳим жиҳатлари кўрсатиб берилди.
- қурилиш тармоғини модернизациялаш ва диверсификация қилиш шароитида корхона бошқарувини янада такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва назарий тавсиялар берилди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов фармонлари, қарорларлари, асарлари ва нутқларида мамлакат ва иқтисодиётни модернизация қилиш, шунингдек иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётида корхоналар бошқаруви тизимини халқаро мезон талаблари даражасида

ташқил қилинишига оид хулоса ва тавсиялардан муҳим манба сифатида фойдаланилди.

Шунингдек, тадқиқот ишида мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг мавзу доирасидаги илмий ишлари, тавсиялари ва уларда қўлланилган методологик тамойиллар хусусан, иқтисодий асарларида кенг қўлланиладиган тизимли ёндашувлар асос қилиб олинди.

Тадқиқот ишининг тузилиши. Диссертация иши кириш, 3 та боб, боблар бўйича бўлимлар, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КОРХОНА БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Корхонанинг бошқарув тизими ва унинг таркибий тузилиши

Бошқарув жамият муносабатларининг муҳим кўрсаткичи сифатида жамият ҳаётининг барча жабҳаларига тегишлидир. У инсоннинг жамиятдаги моҳияти, меҳнати тақсимоти, муомала зарурати, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий муносабатлардан келиб чиқади. Бошқарувсиз табиатни ўзгартириш, меҳнат қуроллари ва предметларини ягона ишлаб чиқариш жараёнига бирлаштиришга йўналтирилган фаолият юритишнинг иложи йўқ. Бошқача қилиб айтганда, бошқарув – ижтимоий меҳнат жараёнига ишлаб чиқариш ривожланишининг объектив қонунлари асосида йўналтирилган тарзда таъсир ўтказиш тизими, ҳар бир ишчининг ва бутун жамоанинг меҳнатини бир вақтнинг ўзида назорат қилиш, рағбатлантириш ва тартибга солиш усулидир. Моддий бойликлар ва неъматлар ҳамда уларга тенглаштирилган қадриятларни тақсимлаш, истеъмол қилиш ва айирбошлаш ҳам бошқарувни талаб қилади [29, 103-бет].

Бошқарувга ёндашишнинг замонавий усуллариининг муҳим аҳамияти инсон омилини фаоллаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва ташаббускорликни ривожлантириш, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи янги ташкилий тузилмаларни яратишда намоён бўлади. Корхонада бошқарувнинг таъсири бошқарув объектига йўналтирилган. Бошқарув объекти ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш жараёнлари, ишлаб чиқариш ускуналарини эксплуатация қилиш, турли миқёсдаги меҳнат кооперацияси ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Бошқарув субъектлари эса қоидага кўра корхона раҳбарларидир. Айнан бошқарув субъекти ишлаб чиқариш ресурслари ва асбоб ускуналардан фойдаланиш сиёсатини белгилайди, ишлаб чиқариш воситаларининг ишчи кучи билан бирлашувига кўмаклашади. Яъни корхонанинг нима, қачон, қаерда ва кимга ишлаб чиқариш билан боғлиқ

бўлган қарори, биринчи ўринда бошқарув субъекти томонидан ҳал қилинади. Шу сабабли бошқарув объектлари ва субъектлари орасидаги алоқа, жумладан, ички ташкил қилиниши қанчалик мустаҳкам бўлса, бир хил шароитларда ишлаб чиқариш ҳамда бошқарув тизимининг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Бошқарув фаолияти – бошқарувчи шахс ёки идора томонидан бошқарув амалларини бевосита ва билвосита буйруқ, тавсия ва кўрсатмалар шаклида ишлаб чиқариш ва амалга оширишдир. Бошқарув фаолияти бошқарув самарадорлигини оширишда, ишлаб чиқаришнинг алоҳида элементлари ва бўғинлари ўртасида юзага келувчи бошқарув муносабатларида муҳим ўринни эгаллайди. Бу вазифа амалда бошқарув тизими ёрдамида бажарилади.


Корхонанинг бошқарув тизими- бу бошқарувнинг ҳар бир элементи ёки бўғини томонидан маълум бир вазифани бажаришда кўзда тутувчи бири-бирига бўйсунувчанлик тизимидир.

Бошқарув тизими биринчи ўринда корхонанинг барқарорлигини таъминлаши, хўжалик таваккалчилигини камайтириши ҳамда корхоналарнинг молиявий, моддий ва айниқса, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга кўмаклашиши зарур. Шунингдек, у ходимларни рағбатлантиришга, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва йўқотишларга йўл қўймасликка ҳамда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим[25, 46-48 бет].

Корхонанинг ташкилий тузилиши деганда бошқарув бўғинлари ва босқичлари миқдори ва таркиби тушунилади. Бошқарув ташкилий тузилишининг оддий ва тушунарли бўлиши унинг иш қобилияти юқори бўлишини кафолатлайди, яъни бошқарув ташкилий тузилмасида босқич ва бўғинлар қанча кам бўлса, бошқарув шунчалик самарали бўлади.

Ташкилий тузилма энг аввало корхонанинг алоҳида бўлинмалари ва уларнинг мажбуриятлари ўртасидаги алоқани аниқ ташкил этиш учун

йўналтирилган бўлади ва бошқарув фаолиятида корхона таркиби ва унга бўйсунувчи элементларни аниқлаб беради (1.1.1-расм).




1.1.1- расм. Ташкилий тузилма таркиби

Бошқарув бўғинлари - бу битта ёки бир-қанча вазифаларни бажарувчи мустақил таркибий унсурлардир. Тузилма элементлари, уларнинг бўлинмалари ва бошқарув аппаратида ишловчилардир.

Бошқарув босқичлари - бу бошқариш бирор даражасидаги маълум бўғинлар йиғиндисидир. Шу белгисига кўра бошқарувнинг ташкилий тузилмалари - кўп босқичли (кўп бўғинли), уч, икки босқичли (бўғинли) бўлади. Босқичлар ва бўғинлар ўртасидаги алоқа вертикал ва горизонтал бўлиши мумкин. Вертикал бўғинлар раҳбарларнинг уларга бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларни, горизонтал алоқалар бошқарувнинг тенг ҳуқуқли бўғин ва унсурлари ўртасидаги муносабатларни билдиради.

Ташкилий тузилмалар жуда турли-туман, лекин улар умумий изчил боғлиқликка эга ва қонуниятларга бўйсунди. Бошқаришнинг ташкилий тузилмасининг асосий тури чизиқли ва функционал турларидир. Улар бирикиши асосида турли хил чизиқли-функционал тузилмалар таркиб топади[38, 125-126 бетлар].

Чизиқли тузилма унинг қуйи бошқарув бўғинлари юқори босқичдаги раҳбарга бевосита бўйсунуши билан тавсифланади. Чизиқли тузилмада ҳар бир ходим битта раҳбарга бўйсунди ва юқори тизим билан фақат у орқали боғланган бўлади (1.2-расм).



1.1.2-расм. Бошқарувнинг чизиқли тузилмаси

Чизиқли тузилманинг ижобий томонлари унинг оддий, ишончли, камҳаржлигидир. Ҳар бир раҳбар бутун меҳнат жамоаси фаолияти

натижалари бўйича жавобгардир. Бу стратегик ва жорий қарорларни қабул қилиш ҳуқуқи марказлашишига олиб келади.

Чизиқли тузилмаларни ҳал этилувчи масалалар доираси кенг бўлмаган, бу масалалар ечилиши осон бўлган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Соф ҳолда чизиқли бошқарув жуда кам, асосан, бригада, бўлим, ширкат, кичик корхоналарда қўлланилади.

Чизиқли тузилманинг асосий камчилиги бўғинлар координацияси пухта бўлмайди. Раҳбар универсал мутахассис бўлиши ва унга бўйсинувчи барча бўғинлар фаолиятининг ҳамма томонини қамраб олиши лозим.

Чизиқли тузилманинг ижобий жиҳатлари


- ундай тузилма бир-бирига зид, чалкаш топшириқлар берилиши ҳолларини камайтиради;
- тузилма оддий, пухта ва тежамлидир;
- яккабошчиликни ва шахсий жавобгарликни мустаҳкамлайди;
- босқичлар сони кам бўлганида бошқарилувчи объект ишига кам киши аралашади;
- вазифалар тезкор ҳал этилади, бутун тизим самарали ишлайди;
- ходимлар фақат ўз раҳбарига ҳисобот берадилар, натижада ижрочилик ва интизом даражаси анча ошади.

Чизиқли тузилманинг салбий жиҳатлари

- тузилма оддий, барқарор масалаларни ечишга мўлжалланганлиги сабабли унинг доирасига мажмуий масалаларни ҳал қилиш анча қийин кечади;
- таҳбарлар кўпроқ тезкор ишлар билан банд бўлиб, стратегик мажмуий муаммоларни эътибордан четда қолдирадилар;
- тенг ҳуқуқли тузилма бирликлари негизида горизонтал боғланиш бўлмайди;

буйруқбозлик ва расмийчиликнинг пайдо бўлиш ҳавфи кучли, чунки тузилманинг ҳар бир бўғинида раҳбар ўз лавозими бўйича фармойиш бериш учун барча ҳуқуқларга эга бўлади[38, 137 бет].

Функционал тузилма - бошқарув вазифаларининг функционал бўғинлар ва раҳбарлар ўртасида тақсимланишига асосланади. У бошқарув мураккаблашуви ва ихтисослашув ривожланиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келган (1.1.3-расм).



1.1.3- расм. Бошқарувнинг функционал тузилмаси

Функционал тузилмада бошқарувчи кўрсатмалар нисбатан малакали бўлади, лекин якка бошчилик тамойилига риоя қилинмайди. Функционал бўғинлар сони ортиши билан ҳар бир бўғин мустақил равишда ҳал этувчи масалалар доираси торайиб боради. Муаммонинг моҳияти ҳар бир бўғин ўз масаласини биринчи навбатда ҳал қилишдан манфаатдор бўлишида эмас, балки битта ҳам бўғин бу масалани етарли даражада асосланган ҳолда ва тўғри ҳал қила олмаслиги, ечимлар майдалашиб, тўлиқ бўлмай қолишидадир. Бу бошқарувни мураккаблаштириб, унинг самарадорлигини камайтиради. Чизиқли тузилмани ташкил этиш ва функционал тузилманинг камчиликлари қўйма, бириктирилган тузилмалар - чизиқли-штабли, чизиқли-функционал ва бошқа тузилмалар вужудга келишига сабаб бўлди.

Функционал тузилманинг ижобий жиҳатлари

- бошқарув фаолиятининг чуқур ихтисослашуви орқали бошқарув касб маҳорати даражасининг ўсиши таъминланади;
- функционал соҳада мувофиқлаштириш ишини яхшилашга эришилади;


моддий харажатларни камайтиради ва бошқаришдаги такрорланишларга чек қўяди ва ҳк.

Функционал тузилманинг салбий жиҳатлари

- функционал органлар ўзига топширилган функцияларни сифатли бажаришдан манфаатдор бўлади,
- яккабошчилик тамойиллари бузилади;

ижрочилар масъулиятининг сусайишига олиб келади, чунки ижрочи бир бошлиққа эмас, бир неча бошлиққа бўйсуниб, кўпинча улардан бир-бирига карама-қарши кўрсатмалар олиши ҳам мумкин[38, 137бет].


Чизикли-штабли тузилмада чизикли тузилма асос қилиб олинади, лекин бошқарувнинг қуйи бўғинга эга ҳар бир бўғинида айрим муҳим муаммолар бўйича штаблар тузилади. Штаблар малакали қарорлар тайёрлайдилар, лекин чизикли тузилма раҳбари тасдиқлаб, қуйи даражага юборади. У штаб тавсияларини координация қилади, мувофиқлаштиради ва натижада бошқарув сифати яхшиланади (1.1.4-расм).



1.1.4-расм. Бошқарувнинг чизикли-штабли тузилмаси

Вазифалар миқдори кўп бўлса, чизикли тузилма раҳбари вазифалари ҳам ортади. Шу сабабли, амалиётда бошқа қўшма тузилмалар вужудга келди. Улар орасида энг кўп тарқалгани чизикли-функционалдир.

Чизиқли-функционал тузилмада функционал звеноларқуйи турган бўлинмаларга ўзлари ваколатига тааллуқли бўлган аниқ белгиланган саволлар бўйича буйруқ бера оладилар (1.1.5-расм). Шартли белгилар: У - уста, Ф - функционал раҳбар, 1.1, 1.2, 1.3 – функционал бўлимлар.



1.1.5-расм. Бошқарувнинг чизиқли-функционал тузилмаси

Чизиқли-функционал тузилманинг устунлиги унинг бошқарув тамойилларини буйруқ беришнинг ягоналиги тамойили билан узвийлигидадир. Лекин бу устунлик тузилмада алоқаларнинг мураккаб турлари лойиҳа бўйича бошқариш ҳамда матрицали тузилмаларнинг шаклланишига олиб келади.

Лойиҳа бўйича бошқариш ишлаб чиқариш технологиясининг ўзгариши билан боғлиқ қайта қуришлар ва янги технологиялар киритилиши зарур бўлган корхона ва ташкилотларда қўлланилади. Бундай қайта қуришни амалга ошириш учун фақатгина шу лойиҳага жавоб берувчи бошқарув органи тузилади. Бошқарувнинг лойиҳа бўйича органи вақтинчалик ташкилот ҳисобланади. Унга юклатилган вазифалар амалга оширилгандан сўнг тугатилади.

Матрицали тузилма турли хил бўлиб, уларнинг барчаси битта тамойилда – ишлаб чиқаришни вертикал ва горизонтал бошқаришда бошқарув вазифаларини ташкилий тузилмалар ўртасида қайта тақсимлаш асосида яратилган. Бундай тузилмалар илмий тадқиқот институтлари, конструкторлик идоралари, технологик идоралар, шунингдек, илмий-тадқиқот ва конструкторлик изланишлари олиб бориловчи йирик корхоналарда кенг қўлланилади[38, 128-130 бетлар].

Бошқарувнинг матрицали тузилмалари раҳбарлардан жуда юқори бошқарув ваколатини талаб қилади. Бундай тузилмадан фойдаланганда юзага келувчи муаммо ва вазифаларни ечиш учун вақтинчалик ижодий гуруҳларни тузиш мумкин.

Корхонани бошқаришнинг у ёки бу шаклини танлаш бир қатор омилларга боғлиқ. Улар орасида энг аҳамиятлилари қуйидагилардир:

- фаолият миқёс ва хилма-хиллиги;
- корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли;
- технология тури;
- раҳбарлар ва ходимлар томонидан корхонага муносабат;
- ички муҳит динамикаси;
- корхонани бошқариш стратегияси.

Корхонани бошқаришнинг ташкилий тузилмаси корхона катта-кичиклигига мос келиши ва мураккаб бўлмаслиги лозим. Бу бизнес учун жуда муҳимдир. Хусусан, корхона унча катта бўлмаса ва раҳбарнинг ўзи корхона фаолиятига раҳбарлик қила олса, оддий ташкилий тузилма қўлланилади.

Агар персонал сони ортиб, раҳбар бир ўзи уларни бошқаришга қодир бўлмай қолса ёки ишлаб чиқаришда айрим ихтисослашган фаолият турлари вужудга келса, чизиқли ёки функцияли ташкилий тузилмага ўтишга тўғри келинади.

Корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳам худди шундай ўзгаришларни тақозо этади. Бу шакл қанчалик мураккаб бўлса, корхонани

бошқаришнинг ташкилий тузилмаси ҳам шунчалик кўп даража ва бўлинмаларга эга бўлади.

Бошқарувнинг исталган ташкилий тузилмасини лойиҳалаштиришда ҳамда амалиётда қўллашда тезкорлик, оптималлик, ишончлилик ва тежамкорлик каби асосий талабларга жавоб бера олишига эътибор қаратилиши лозим. Бу талаблар қанчалик тўлиқ ва яхши бажарилса, корхонани бошқариш тизимининг сифат кўрсаткичлари шунчалик юқори бўлади.

1.2. Корхона бошқарувсамарадорлиги тушунчаси ва асосий мезонлари

Корхонанинг муваффақияти ва иқтисодий жихатдан барқарорлиги самарали хўжалик юритишга асосланади. бошқарув самарадорлиги эса ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда бошқаришнинг ролини оширишдан иборатдир. Самарадорлик корхона ишлаб чиқариш фаолиятида муҳим ўлчов бирлиги ҳисобланади. Самарадорлик, аввало, корхона фаолиятининг сифат жихатларини тавсифловчи тушунчадир, унинг асоси харажатларни минималлаштириш ва фойдани максималлаштиришдадир.

Корхонанинг ривожланишига бир қанча микро ва макромухитдаги омиллар таъсир кўрсатади (рақобатчилар, технология, асбоб-ускуна, бозордаги мавқе ва ҳк). Нима учун бир хил бошланғич шарт-шароитга (капитал, бизнес ғоя, даромад ва б.) эга бўлган корхоналардан бири омадни қўлга киритса, бошқаси эса инқирозга юз тутаяди. Шу ўринда савол туғилади, бошқарув самарадорлиги ва ҳар бир раҳбарнинг иши самарадорлигини ўлчаш ёки баҳолашнинг имкони борми? 1920 йилдан бошлаб деярли барча саноати ривожланган мамлакатларда миллий ҳисоблар тизими (МХТ) шакллантирилди ва у ҳалигача бизнесни самарали олиб боришни баҳолашнинг энг аниқ усуллари излашдан тўхтагани йўқ. Ҳозирда хориж ва МДХ мамлакатларининг илғор компанияларини ўзларининг фаолиятлари

самарадорлигини ошириш қизиқтиради ва кўп ҳолларда бу компаниянинг специфик хусусиятларига боғлиқдир.

Бошқарув самарадорлиги – алоҳида бошқарув тизимининг фаолияти натижасини ўзида акс эттирувчи нисбий ҳарактерга эга бўлган тушунчадир.

Бошқарув жараёни ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг ажралмас қисмидир, унинг самарадорлигини корхонанинг охириги натижалари бўйича хулосаларидан аниқлаш мумкин.

Бошқарув самарадорлиги шундай кўп қирралики, уни ифодалаш учун кўп шаклли тушунчаларни намоён қилади. Қуйида ҳоҳлаган даражадаги бошқарув тизими асосига кирган самарадорликнинг муҳим тушунчалари келтирилади:

- бошқарув ходимлари меҳнати самарадорлиги;
- бошқарув аппаратининг бошқарув фаолияти ёки унинг алоҳида бўлимлари ва тармоқлари самарадорлиги;
- бошқарув жараёнининг самарадорлиги (аниқ бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш) ;
- бошқарув тизимларининг самарадорлиги (бошқарув табақаси, ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнаткашларнинг иштирокини инобатга олган ҳолда) ;
- бошқарув механизмининг самарадорлиги (услуглар, дастаклар, рағбатлар ва режали бошқарув шакллари)[19, 193 бет].

Менежмент тизимининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш муаммосини ечишнинг муҳим услубларидан бири, энг аввал ишлаб чиқариш самарадорлигини бозор муносабатлари шароитида тўғри тушунишдан иборатдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги - деганда якуний натижаларнинг қўлланиладиган ёки сарфланган ресурсларга нисбати(муносабати), яъни ишлаб чиқариш натижаси (самарадорлиги) ва харажатлари ўртасидаги тафовут тушунилади. Бу тушунча ишлаб чиқариш тартибининг динамик жараёнига баҳо беради ва ундаги сифат ўзгаришларини акс эттиради.

Корхоналарда ишлаб чиқаришни бошқариш самарадорлиги деганда бевосита бошқарув жараёни, бошқарув фаолияти натижавийлиги тушунилади. Агарда бошқарув фаолияти якуний натижалари жамоа фаолияти якуний натижаларига тўғри келиши эътиборга олинса, айтиш мумкинки, бошқарув жараёни самарадорлиги – бу мураккаб, кўп қиррали ижтимоий-иқтисодий категориядир. Самарадорликни ўз навбатида, ички ва ташқи самарадорликка ажратиш мумкин.

Ички самарадорлик - бу тежамкорлик (иқтисод қилиш), яъни мавжуд ресурсларни энг яхши (оптималь) равишда тақсимлаш ва фойдаланиш имкониятидир.

Ташқи самарадорлик - ташкилотнинг мақсадларига эришиш даражасини белгилайдиган менежмент натижавийлигини билдиради [28, 119-120 бетлар].

Бошқа сўз билан айтганда самарадорлик (энг кенг маънода) бу ишни пировард натижаси (ҳаракат, фаолият, ҳукм суриш), у жамоат амалиётининг ўлчовига айланади, айниқса ишлаб чиқаришнинг. Ишлаб чиқариш самарадорлиги - бу жараён маҳсули, масалан фан ва техникани охириги ютуқларини жорий қилиш факат иқтисоднигина эмас, балки ижтимоий, сиёсий ва жамият ҳаётининг бошқа томонларини, меҳнат жамоасини, ҳамда унинг алоҳида аъзоларини ўз ичига олади.

Шунга яраша биз менежмент тизимининг самарадорлиги унинг ҳукм суриши натижасида эришиладиган манфаатни акс эттиради, деб ҳисоблаймиз. Аммо фақат хулоса натижалари асосида самарадорлик савиясини аниқлаш қийин, чунки бу менежмент ҳаракатининг охириги натижаси ҳисобланади ва маълум даврда кўзланган мақсадга аниқ харажатлар ҳисобидан эришилади. Шундай экан, ишлаб чиқариш самарадорлиги унинг иқтисодий самарадорлигига қараганда кенгроқ ва кенг қиррали маънога эга. Шунинг учун менежмент тизимида яратиш, жорий қилиш, ҳукм суриш, тараққий топиш ва такомиллаштишни иқтисодий

томонини кўриб чиқишда ишлаб чиқаришни турли бўйсунуш тартибида биз «Иқтисодий самарадорлик» тушунчасидан фойдаланамиз.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мақсади ҳам оз меҳнат, моддий ва пул маблағлари сарфлаб кўпроқ самарага эришишдир. Бу деган сўз эришилган самарани (С) сарфланган харажатга (Х) бўлиш керак. Бундай таққослаш самарадорлик (СД) нисбий кўрсаткичини беради.

$$СД = \frac{С}{Х} \quad (1.2.1)$$

Касрнинг махражи — бу абсолют миқдорлар бўлиб, улар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида сарфланган: ялпи меҳнат, ялпи хом-ашё, ялпи фондлар, ялпи инвестициялардир.

Самара ва самарадорлик тушунчаларига нисбатан бундай ёндашиш бошқариш объектига, яъни яхлит ишлаб чиқаришга хосдир. Бошқариш самарадорлигини аниқлашда бу тариқа ёндашиш, албатта нотўғри бўларди. Чунки бу ерда асосий урғу бошқарилувчи объект (корхона, фирма ва ҳ.к.) самарадорлигига эмас, балки кўпроқ бошқарув меҳнати самарадорлигига, хусусан, бошқарув функцияларининг самарадорлигига берилади.

Шундай қилиб, бошқарув самарадорлиги — бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда бошқаришнинг ролини оширишдан иборатдир. Ҳозирги кунда кўплаб корхоналарда бошқарув объекти ва субъекти фаолиятини тавсифлаш учун бир қанча самарадорлик мезонлари қўлланилади.

Мезон (критерия) — бу таққослаш ёки баҳолаш учун ўлчов, андозадир. Масалан, меҳнат — киши қадр-қимматининг мезонидир.

Бошқариш объекти фаолиятини тавсифлаш учун қуйидаги самарадорлик мезонлари қўлланилади (1.2.1-жадвал). Бинобарин, бошқариш жараёни самарадорлигини ошириш, берилган мезонлар ёки мезонлар тизимида мувофиқ равишда бошқарувчи орган томонидан муайян натижага эришиш мақсадида аниқ объектни энг қулай, энг самарали бошқариш усуллари топишдан иборатдир.

Менежмент самарадорлигининг кўрсаткичлари мезонлари

Классификациялаш белгилари	Менежмент самарадорлигининг мезонлари
Самарадорлик таркиби бўйича	Иқтисодий, ижтимоий
Баҳолаш объекти бўйича	Умумий, локал
Амал қилиш доирасига кўра	Ички ва ташқи
Бошқарув даражаси бўйича	Корхона, минтақа ва давлат миқёсидаги бошқарув самарадорлиги
Динамиклигига кўра	Статистик ва динамик
Ҳисоблаш усулига кўра	Мутлақ (абсолют) ва нисбий
Мақсадни белгилаш бўйича	Режали, натижавий, меъёрий (потенциал), лойиҳавий, шартли
Баҳолаш усулига кўра	Ресурслар ва харажатлар самарадорлиги
Мажмуавий баҳолаш бўйича	Хусусий ва интегралли

(*Манба: Основы менеджмента: Учебник / Семенов А.К, Набоков В.И.- М.: “Дашков и К°”, 2010, 306-бет.)

Бошқариш субъекти фаолиятини тавсифлаш учун қуйидаги самарадорлик мезонлари қўлланилади:

Бошқариш тизимидаги молиявий харажатларни тежаш. Бошқариш аппарати харажатларининг камайиши бошқарилувчи тизим самарадорлигининг иқтисодий мезони бўлиши мумкин. Бу ўринда бошқарув аппарати штатларини оқилона қисқартириш, хизмат сафарларини камайтириш кабилар тежамкорликнинг муҳим омиллари эканлигини таъкидлаш зарур.

Бошқариш тизмида жонли ва буюмлашган меҳнатни тежаш. Бу мезон кучларни энг кўп даражада тежаш ва меҳнатдан энг унумли фойдаланишни кўзда тутди. У сермеҳнат ишлар ва операцияларни қисқартиришда, моддий ва меҳнат воситаларини тежашда ифодаланади. Меҳнатни тежашга бошқарув таркиби ва технологияси жараёнларини рационализациялаш, бошқарув аппаратидаги меҳнатни компьютерлаштириш йўли билан эришади.

Айрим операцияларни бажаришга ва бутун бошқарув жараёнига сарф бўладиган вақт. Бу мезонда бош омил – вақтдир. Ахборот тўплаш ва уни қайта ишлашга, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни амалга оширишга сарф бўладиган вақтни ҳар томонлама қисқартириш, бизнес режани тузишга кетадиган вақтни қисқартириш, тезкор топшириқларни етказиш муддатини тезлаштириш, фаолият натижаларини менежерлик ёки баҳолаш билан иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Қайд қилинган мезонларнинг ҳар бири мазкур давр учун иқти-содий сиёсатда белгиланган мақсадлардан, корхона ёки тармоқнинг аниқ иш шароитлари эътиборга олингани ҳолда бошқарув фаолиятига баҳо бериш учун танлаб олиниши керак. Бошқарув тизимининг турли вазифаларини мақсадга мувофиқлаштириш учун ҳам мезон танланади.

Иқтисодий самарадорликни баҳолашда даромад, фойда, зарар, меҳнат унумдорлиги ва ҳақозо ўлчанади ва оптималлаштирилади. Қурилиш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнига кўплаб омиллар таъсир кўрсатади.

Ушбу омилларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- ташкилий-иқтисодий омиллар;
- ижтимоий-иқтисодий омиллар;
- бозор муҳити омиллари.

Ташкилий-иқтисодий омиллар гуруҳи таркибига қуйидаги кўрсаткичларни киритиш мумкин:

- қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияларини йўлга қўйиш;
- хом ашё ва бошқа моддий ресурслар билан таъминланганлик даражаси;
- ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви;
- хўжалик юритиш шакли ва ички хўжалик муносабатларини йўлга қўйиш;
- ишлаб чиқаришни молиявий ресурслар билан таъминланганлиги.

Ижтимоий-иқтисодий омиллар гуруҳи таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- курувчиларнинг мол-мулкка эгалик қилиш даражаси;
- мулкчилик шакли ва иқтисодий эркинлик даражаси;
- курувчиларга моддий манфаатдорлик механизмнинг жорий этилиши даражаси;
- курувчилар ижтимоий муҳофазаси.

Бозор муҳити омиллари. Бозор муҳити омиллари Республикамизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичи ва келажак тараққиёт жараёнида асосий омиллар қаторидан жой олиши табиий ҳол ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам, ушбу омиллар гуруҳи моҳиятини қуйидагича ифодалаш мумкин. Бозор муҳити омиллари бу - қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳошиш ва истакларидан ташқарида объектив равишда мавжуд бўлган фаол кучлар бўлиб, маҳсулотларга нисбатан шаклланадиган бозордаги талаб ва таклифлар ўз таъсирини ўтказди, шунингдек, корхонанинг молиявий натижалари шаклланиши жараёнига ўзининг ижобий ёки салбий таъсирини ўтказди.

Ушбу омиллар гуруҳи таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бозордаги рақобатчилар;
- қурилиш ишлаб чиқариши жараёнида иштирок этувчи воситачилар;
- қурилиш хўжаликларининг бозордаги мижозлари;
- ҳукумат томонидан қабул қилинадиган қарорлар, қонунлар;
- аҳолининг даромадлари даражаси ва миллий анъаналари.

Юқорида санаб ўтилган омилларнинг ҳар бири ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигига алоҳида шароитларда жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Аммо санаб ўтилган омилларнинг баъзилари кескин объектив характерга эга бўлиб, ишлаб чиқарувчининг унга таъсир қилиш доираси чегараланган бўлса, баъзилари жумладан, ижтимоий, иқтисодий омиллардан рационал тарзда фойдаланиш орқали ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга ижобий таъсир ўтказиш мумкин.

Фан ва техниканинг жадал суръатлардаги тараққиёти бошқарув олдига янги вазифаларни қўймоқда, иқтисодий ва техникавий тараққиёт тенденциясини очиб бериши ва уларнинг келажақдаги ҳаракатини олдиндан кўриши керак бўлган узоқ муддатли прогнозлар ролини оширмоқда. Ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бугунда яқиний халқ хўжалиги натижаларининг меҳнат ва моддий харажатлар, шунингдек, сармояларнинг кўпайиши билан таққослаганда илгарилаб кетувчан ўсиши назарда тутилмоқда, яъни иқтисодиёт тараққиётида интенсив омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бу омилларнинг миқдорий ўлчови ва ҳисоби қизиқиш уйғотишга қодир ва тадқиқотнинг бош вазифаларидан ҳисобланади.

Қурилишда иқтисодий натижа самаранинг қиймат ўлчовининг уч даражаси сифатида намоён бўлади: қурилиш-монтаж ишлари смета қиймати (маҳсулот нархи, қурилиш маҳсулоти ва қурилиш индустрияси маҳсулоти қиймати); умумий соф маҳсулот; товарли қурилиш маҳсулоти ва бажарилган ишларни реализация қилишдан келган умумий фойда, яъни ташкилот ўз мақсадларига эришиш учун самарадор ва натижавий бошқарилиши лозим.

Ташкилотнинг нисбий самарадорлиги унумдорлик деб аталади. Унумдорлик миқдорий ўлчовларда ифодаланади. Унумдорлик - бу бирликлар миқдорининг чиқишда кириш бирликлари миқдorigа нисбати (муносабати)дир. Унумдорлик ташкилотнинг барча даражаларида ташкилот рақобат шароитида омон қолиши ва муваффақиятга эришиши учун жуда муҳим омил ҳисобланади.

Хўжалик фаолияти самарадорлигини баҳолаш масаласи умуман олганда, жумладан, ташкилий тузилмаларда ҳозирда жуда мураккаб ва долзарбдир. Мамлакатимиз ва чет эл адабиётларида ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги, ҳам бошқарув тизими кўрсаткичларини бирлаштирувчи самарадорликнинг универсал мезонини (комплексли, синтетик) асослаб беришга бир неча бор уринишлар қилинган.

Ташкилот фаолияти натижаларини баҳолаш ва ташкилотларни бири-бирига таққослаш имконини берувчи аниқ иқтисодий мезонларни танлаш -

бу жуда қийин стратегик вазифа. Бошқача қилиб айтганда, ташкилот мувафақияти доимо унинг фаолияти ҳажмини кўпайтириши ва бозордамавқега эга бўлиши билан ўлчанади. Самарадорликнинг якуний мезони ўз атроф муҳитига таъсир қилишни назарда тутди, самарали ташкилот ташки муҳитни ўзига мос ҳолда ўзгартира олади. Шу билан бирга ташки муҳит бир қатор шароитларни яратадики, улар ташкилот самарадорлигига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

1.3 Бошқарув самарадорлиги кўрсаткичлари

Бошқарув самарадорлиги ўз табиати билан мураккаб жараён. Уни фақат битта ёки иккита кўрсаткич билан ифодалаб бўлмайди. Бунинг учун кўрсаткичлар тизими зарур. Бу тизимни иккита йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

I. Бошқарув тизими фаолиятини тавсифловчи миқдорий кўрсаткичлар, яъни;

- бошқарувдаги жонли меҳнатнинг тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- бошқарув учун сарфланган молиявий ресурсларнинг тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- бошқариш учун сарфланадиган вақтни тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар.

II. Бошқарувнинг самарадорлигини тавсифловчи сифат кўрсаткичлари, яъни:

- бошқаришнинг илмий-техник даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- бошқаруваппарати ходимлирининг малакаси даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- қабул қилинган қарорлар самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- бошқарув жараёнидаги ахборотларнинг ишончилиги ва тўлиқлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

- бошқариш маданиятини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- коммуникациянинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва ҳ.к.

Корхонада бошқарув самарадорлигини кенг тарзда баҳолаш учун қуйидаги умумлаштирувчи кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Бошқарув меҳнати самарадорлиги (бирйил ҳисобида) қуйидагича ҳисобланади:

$$I_{\text{бс}} = C_1/BX_1 : C_0/ BX_0, \quad (1.3.1)$$

Бу ерда:

$I_{\text{бс}}$ — бошқарув самарадорлиги индекси;

C_0 ва C_1 — базис ва жорий даврларда эришилган самара (яъни ёки товар маҳсулот);

BX ва BX_0 — базис ва жорий даврлардаги бошқарув харажатлари.

Йиллик бошқарув харажатлари қуйидаги харажатларни ўз ичига олади:

- муҳандис-техник ходимлар ва хизматчилар иш хаки;
- материал учун харажатлар;
- ЭХМ ва оргтехникани эксплуатацияси учун сарфланган харажатлар;
- қўшимча ва бир йўла қилинадиган харажатлар (бошқарув техникаси ва ускуналарини сотиб олиш, ташкилий лойиҳаларни молиялаштириш ва ҳ.к.)

Ишлаб чиқаришни бошқариш учун сарфланадиган йиллик умумий сарф (BX_0) қуйидагича аникланади:

$$BX_{\text{бас}} = ЖХ_{\text{й}} + E_{\text{н}} * БИХ, \quad (1.3.2)$$

Бу ерда:

$BX_{\text{бас}}$ — бошқариш учун сарфланган бир асосга келтирилган харажатлар;

$ЖХ_{\text{й}}$ — йиллик жорий харажатлар;

$E_{\text{н}}$ - самарадорликнинг норматив коэффициенти (0,15);

$БИХ$ — бир йўла харажатлар.

Йиллик жорий харажатлар қуйидагича ҳисобланади:

$$ЖХ_{\text{й}} = БМХ + ИХ_{\text{б}} * (1+a), \quad (1.3.3)$$

Бу ерда:

$ИХ_6$ — бошқарув ходимларининг иш хаки учун сарфлар;

$БМХ$ — бошқариш учун зарур бўлган материалларга сарфланган харажатлар;

a — кўшимча ва турли харажатлар коэффиценти.

Кўшимча харажатлар:

- хизмат сафарлари;
- транспортни молиялаш;
- ихтиро ва рационализаторлик таклифларини татбиқ қилишга

ажратилган сарфлар;

- меҳнатни химоя қилиш каби харажатлардан ташкил топади.

Бир йўла харажатлар ($БЙХ$) қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$БЙХ = X_{6т} + X_{ии}, (1.3.4)$$

Бу ерда:

$X_{6т}$ — бошқарув техникаларини сотиб олиш учун харажатлар;

$X_{ии}$ — бошқарувни такомиллаштириш учун бажарилган илмий ишланмалар, лойихалар учун харажатлар.

Бошқарув ходимлари:

- корхонада ишлаб чиқарилаётган махсулотнинг меҳнат талабчанлик даражасини қисқартиришга;
- корхонанинг бир маромда ишлашини таъминлашга;
- ишлаб чиқаришни моддий-техник базасини мустаҳкамлашга;
- бизнес-режа ва техник-иқтисодий кўрсаткичларни оптималлаштиришга катта таъсир кўрсатади.

Шу сабабли, меҳнат унумдорлигининг ошиши эвазига тежалган бошқарув харажатлари (меҳнати)ни ($ИТ_{му}$) аниқлаш ўта зарурдир:

$$ИТ_{му} = I_{му} : I_{6с}, (1.3.5)$$

Бу ерда:

$I_{му}$ — меҳнат унумдорлиги индекси;

I_{6c} — бошқарув харажатлари индекси.

Бошқарув ходимининг меҳнат унумдорлиги қуйидагича аниқланади:

$$MU_{6x} = ЯМ (ТМ) / T_6, (1.3.6)$$

Бу ерда:

MU_{6x} — бошқарув ходимларининг меҳнат унумдорлиги;

ЯМ (ТМ) — бир йилда ишлаб чиқарилган ялпи ёки товар маҳсулоти, сўм;

T_6 — бошқарув ходимларининг ўртача йиллик сони, киши.

Фойданинг қўшимча ўсиши асосида бошқарув ходимининг иқтисодий самарадорлиги ($BX_{ис}$) қуйидагича аниқланади:

$$BX_{ис} = \dot{YIT}_\Phi : BX, (1.3.7)$$

Бу ерда:

$\dot{YIT}_\Phi$ — фойданинг қўшимча ўсиши эвазига эришилган йиллик иқтисодий тежам.

BX — йиллик бошқарув харажатлари.

$$\dot{YIT}_\Phi = (A_2 - A_1) / A * \phi_1 + (T_1 - T_2) / 100 * A_2, (1.3.8)$$

Бу ерда:

A_1 ва A_2 — бошқарув ишини такомиллаштирмаган (A_1) ва такомиллаштиришдан сўнг (A_2) реализация қилинган йиллик маҳсулот ҳажми;

T_1 ва T_2 — бошқарув ишини такомиллаштирилмаган (A_1) ва такомиллаштиришдан сўнг (A_2) реализация қилинган бир сўмлик маҳсулотнинг таннари;

ϕ_1 — бошқариш ишини такомиллаштиргунгача реализация қилинган маҳсулотдан келиб тушган фойда.

Тежамни бошқарув соҳасининг ўзида ҳам аниқлаш мумкин. Бу ерда унга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- бошқарув ходимларидаги меҳнати талабчанлигининг пасайиши;

- бошқарув ходимларининг шартли қисқариши;
- иш вақти йўқотилишининг қисқариши.

Ахборотни қайта ишлашдаги меҳнат талабчанлигининг пасайиши эвазига олинган иқтисодий самара ($ИС_{от}$) қуйидагича аниқланади:

$$ИС_{MT} = (MT_1 - MT_2)S, \quad (1.3.8)$$

Бу ерда:

MT_1 , MT_2 операция бошқаришини такомиллаштирилмаган (MT_1) ва такомиллаштиришдан сўнги меҳнат талабчанлиги (MT_2) даражаси, одам-кун.

S — бошқарув ходими бир иш кунининг ўртача йиллик қиймати.

Кенг маънодаги ижтимоий самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланиши мумкин:

- истеъмолчилар буюртмаларини бажариш даражаси;
- корхонанинг бозорга чиқарган маҳсулотлари ҳажми ва ҳақозалар.

Ижтимоий самарадорликнинг хусусий кўрсаткичлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: буюртмани ўз вақтида бажариш; буюртмани бутунлигича бажариш; қўшимча хизматлар кўрсатиш; сотишдан кейинги сервис ва ҳақозалар.

Юқорида келтирилган бошқаришнинг ижтимоий самарадорлигининг хусусий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш амалда бир мунча мураккаб ҳисобланади, сабабли ишлаб чиқариш ва уни сотиш жараёнида кўпгина субъектив омилларни ҳам эътиборга олиш лозим бўлади[28, 121-122 бетлар].

Бозор шароитлари тегишли кўрсаткичлар ва бошқарув самарадорлиги баҳоланиши мезонларининг ишлаб чиқирилишини талаб қилади. Бир неча базавий кўрсаткичлар мезонларини киритиш эҳтиёжи туғилади, улар асосида бошқарув тизими натижавийлиги баҳоланиши амалга оширилади; функционал тизимостилар ва бошқарув даражалари бўйича самарадорлик баҳоланиши талаб қилинади.

ЎБоб бўйича хулоса

Бошқарув – ижтимоий меҳнат жараёнига ишлаб чиқариш ривожланишининг объектив қонунлари асосида йўналтирилган тарзда таъсир ўтказиш тизими, ҳар бир ишчининг ва бутун жамоанинг меҳнатини бир вақтнинг ўзида назорат қилиш, рағбатлантириш ва тартибга солиш усулидир.

Корхонанинг бошқарув тизими - бу бошқарувнинг ҳар бир элементи ёки бўғини томонидан маълум бир вазифани бажаришда кўзда тутувчи бири-бирига бўйсунувчанлик тизимидир.

Бошқарув тизими биринчи ўринда корхонанинг барқарорлигини таъминлаши, хўжалик таваккалчилигини камайтириши ҳамда корхоналарнинг молиявий, моддий ва айниқса, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга кўмаклашиши зарур.

Корхонанинг ташкилий тузилиши деганда бошқарув бўғинлари ва босқичлари миқдори ва таркиби тушунилади. Бошқарув ташкилий тузилишининг оддий ва тушунарли бўлиши унинг иш қобилияти юқори бўлишини кафолатлайди, яъни бошқарув ташкилий тузилмасида босқич ва бўғинлар қанча кам бўлса, бошқарув шунчалик самарали бўлади.

Ташкилий тузилма энг аввало корхонанинг алоҳида бўлинмалари ва уларнинг мажбуриятлари ўртасидаги алоқани аниқ ташкил этиш учун йўналтирилган бўлади ва бошқарув фаолиятида корхона таркиби ва унга бўйсунувчи элементларни аниқлаб беради.

Бошқарув самарадорлиги — бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда бошқаришнинг ролини оширишдан иборатдир.

Бошқариш самарадорлиги ўз табиати билан мураккаб жараён. Уни фақат битта ёки иккита кўрсаткич билан ифодалаб бўлмайди. Бунинг учун кўрсаткичлар тизими зарур. Бу тизимни иккита йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

- I. Бошқариш тизими фаолиятини тавсифловчи миқдорий кўрсаткичлар.
- II. Бошқарувнинг самарадорлигини тавсифловчи сифат кўрсаткичлари.

Фан ва техниканинг жадал суръатлардаги тараққиёти бошқарув олдига янги вазифаларни қўймоқда, иқтисодий ва техникавий тараққиёт тенденциясини очиб бериши ва уларнинг келажакдаги ҳаракатини олдиндан кўриши керак бўлган узоқ муддатли прогнозлар ролини оширмоқда. Ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бугунда яқиний халқ хўжалиги натижаларининг меҳнат ва моддий харажатлар, шунингдек, сармояларнинг кўпайиши билан таққослаганда илгарилаб кетувчан ўсиши назарда тутилмоқда, яъни иқтисодиёт тараққиётида интенсив омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бу омилларнинг миқдорий ўлчови ва ҳисоби қизиқиш уйғотишга қодир ва тадқиқотнинг бош вазифаларидан ҳисобланади.

II БОБ. “QURILISH POLIMER SERVIS” ВА “TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” МЧЖЛАРНИНГ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ ҲАМДА МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1. “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZ- QURILISH” МЧЖлар фаолияти ва уларнинг бошқарув тузилмалари

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонада бошқарув самарадорлигини оширишнинг аҳамияти тўғрисида батафсил тўхталиб ўтдик. Бундан кейинги вазифа “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” Масъулияти чекланган жамиятиларининг умумий фаолияти таҳлилини кўриб чиқиш ҳисобланади.

“QURILISH POLIMER SERVIS” Масъулияти чекланган жамияти мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиб, Тошкент шаҳар, Сергели тумани Ҳокимининг 06.05.2002 йил № 395 Қарори билан ташкил этилган. Корхона хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 03.05.2002 йилда № 06-000202 реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган. “QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖ аввал рўйхатга олинган “SANQURILISH-TA’MIN” МЧЖ ва “QURILISH POLIMER SERVIS” ЁАЖ ларнинг ҳукукий вориси ҳисобланади.

“QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖ ўз номи туширилган муҳри, фирма белгиси, ҳисоб рақами ва банкнинг бўлимларидаги бошқа ҳисоблари мавжуд. Ҳисоб рақами 20208000404183591001. “QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖ Тошкент шаҳар, Сергели тумани Давлат Солиқ идорасида рўйхатдан ўтиб, 20403437-сонли идентификацион рақами берилган.

Корхонанинг юридик манзили: Тошкент шаҳар Сергели тумани Қипчок кўчаси 7-уй. “QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖнинг асосий фаолият доираси умумқурилиш ишлари ҳамда қурилиш молларининг улгуржи савдоси ҳисобланади.

Корхонанинг Устав капитали 67 000 000 (олтмиш етти миллион) сўм бўлиб, жамият аъзоларининг пайлари асосида шаклланган.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида қурилиш соҳаси мамлакатда ўзининг зарурлигини ва рақобатдардошлилигини исботлади. Қурилишдаги асосий эътибор энг муҳим ва зарур объектларга қаратилган. Бунда асосан турар жой, соғлиқни сақлаш, ижтимоий, маданий, маиший соҳа объектларига кўпроқ урғу берилди. 2011-2014 йиллар “QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖ томонидан эксплуатация учун берилган объектлар ичида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Тошкент вилояти, Қибрай тумани Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўсимликларнинг генетикаси ва биологияси Илмий Тадқиқот Институти қурилиши;
- Учтепа тумани “Ўзбекистон Саноат Қурилиш” Банки;
- Тошкент Давлат Аграр Университети;
- Шайхонтохур тумани ЗАГС бўлими;
- Ўзбекистон ДБҚ Олий Ҳарбий Божхона Институти;
- Юқори Чирчиқ тумани “Ўзбекистон” Пахта Тозалаш Заводи;

Янги йўл тумани “ТошПахтаТранс” МЧЖ капитал ремонти ва бошқалар.

“TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” Масъулияти чекланган жамияти Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани Ҳокимиятининг хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 06.07.2010 йилда № 006753 реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

“TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH”МЧЖ ўз номи туширилган муҳри, фирма белгиси, ҳисоб рақами ва банкнинг бўлимларидаги бошқа ҳисоблари мавжуд. Ҳисоб рақами 20208000200177096001. “TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH”МЧЖ Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани Давлат Солиқ идорасида рўйхатдан ўтиб, 200616707-сонли идентификацион рақами берилган. Корхонанинг юридик манзили: Тошкент шаҳар, У.Носир кўчаси 19-уй.

Корхона мулки бу унинг асосий ва айланма фондлари, ҳамда қиймати корхонанинг муттасил балансида акс эттирилган бошқа бойликлардир.

Корхона мулкани қуйидагилар ташкил этади:

- устав фондиниташкилэтувчиасосийвоситалар;
- хўжаликфаолиятинатижасидаишлабчиқарилганмаҳсулот;
- келибтушгандаромадлар;
- корхонафойдасиёкибошқаманбалархисобигасотиболинганасосийвоситалар.

“TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” МЧЖнинг фаолият муддати чекланмаган бўлиб, мулкдан фойдаланиш асосида у меҳнат жамоаси томонидан асосан:

- умумқурилиш ва таъмирлаш ишлари;
- маиший хизмат кўрсатиш;
- қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда корхона Низомида белгиланган бошқа фаолият турлари билан шуғулланади.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани Ҳокимияти томонидан 2011 йил 26 сентябрда қайта рўйхатдан ўтказилиб, унга кўра пайлар асосида шаклланган устав капитал 1.200.000 минг сўмни ташкил этади.

“TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH”МЧЖ томонидан сўнги йилларда бажарилган қурилиш монтаж ишларига қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:


- Сурхондарё вилоятининг Қумқурғон туманидаги “Сув таъминоти ва гигиенаси” иншоотлари қурилиши;
- Бухоро шаҳрининг “Сув таъминоти тизими” қурилиши ва реконструкцияси;
- Хаузак денгизкўл конининг навбатдаги қайта қурилиши ҳамда модернизацияси ва бошқалар.

Булардан ташқари ҳар йили корхона томонидан мамлакатимиздаги аҳамиятга молик бўлган Бекобод шаҳрининг “Ўзбек металлургия


комбинати” сингари йирик объектларнинг қурилиш монтаж ишларини бажариш бўйича битимлар тузилади.

Ҳозирги замон ишлаб чиқариш корхоналари мураккаб мажмуа бўлиб, унинг ривожланиши ва фаолиятини йўлга қўйилиши бошқарув механизми орқали амалга оширилади. Корхонани бошқарув механизми – бу авваламбор, маъмурий бошқарув тизими ва бошқарув таркиби, улар орқали асосий вазифалар ҳал қилинади ва мақсадга эришилади; ички алоқалар ўрнатилади, ижро тартиби белгиланади ва назорат қилинади; фаолиятга таъсир қилиш воситалари ишга солинади; барча функционал органлар ишчидан тортиб директоргача мувофиқлашган ҳолда фаолият юритади.

Бошқарув механизмининг юритилиши корхона бошқарувининг таркибий тузилиши орқали амалга оширилади. Ташкилий тузилма энг аввало корхонанинг алоҳида бўлинмалари ва уларнинг мажбуриятлари ўртасидаги алоқани аниқ ташкил этиш учун йўналтирилган бўлади ва бошқарув фаолиятида корхона таркиби ва унга бўйсунувчи элементларни аниқлаб беради. Қуйида 2.1.1 ва 2.1.2-расмларда “QURILISH POLIMER-SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” МЧЖлар бошқарувининг таркибий тузилмаси келтирилган.



**2.1.1-расм. “QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖнинг
ташкилий тузилиши**



2.1.2-расм. “TOSHPAXSUSPARDOSQURILISH” МЧЖнингташкилий тузилиши

2.1.1-жадвал

“QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖнинг 2012-2014 йилларда ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг асосий техник– иқтисодий кўрсаткичлари

(мингсўмда)

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	Ўзгариш суръати	
				+/-	% да
1	2	3	6	7	8
Бажарилган ҚМИ ҳажми	1459937	9399061	4434014	-4965047	-52.8
Бажарилганишларнинг ишлаб чиқариш таннари	1206689	8476372	3918476	-4557896	-53.8
Ялпи фойда	253248	922689	515538	-407151	-44
Фойдадан солиқ	57911	277522	157900	-119622	-43
Соф фойда	60621	394073	26285	-367788	-93.3
Ишчиларнинг ўртача сони (киши)	27	38	46	8	21
Ходимларнинг ишлаш ҳақи фонди	172832	332334	427198	94864	28,5
Бир ишчига ўртача иш ҳақи	6401	8745,6	9286,9	5413	6,2
Меҳнат унумдорлиги	54071,7	247343,7	96391,6	-150952,1	-61
Дебиторлик қарзлари	526280	1409656	1724713	315057	22,3
Кредиторлик қарзлари	547812	974007	2110576	1136569	116
Рентабеллик (%)	31	74	15	-59	-79.8

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бажарилган қурилиш монтаж ишлари ҳажми 2012 йилда 1459937 минг сўмни, 2013 йилда 9399061 минг сўмни, 2014 йилда эса 4434014 минг сўмни ташкил этади. 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 4965047 минг сўмга, яъни 52,8 фоизга камайганини кузатиш мумкин. Соф фойда кўрсаткичи 2013-йилга нисбатан 2014-йилда 367788 минг сўмга, яъни 93.3 фоизга кескин камайганини, корхонада ишчиларнинг ўртача сони эса 21 фоизга ошиб, унга параллел равишда ходимларнинг иш ҳақи фонди 94864 минг сўмга, 28.5 фоизга ошганини кўриш мумкин. Аммо меҳнат унумдорлиги 2014 йилда бажарилган

ишлар ҳажмининг камайганлиги ҳисобидан ўтган йилларга нисбатан 150952,1 минг сўмга, яъни 61 фоизга пасайган.

2.1.2-жадвал


“TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” МЧЖнинг 2012-2014 йилларда ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг асосий техник– иқтисодий кўрсаткичлари

(мингсўмда)

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013йил	2014йил	Ўзгариш суръати	
				+/-	% да
1	2	3	6	7	8
Бажарилган ҚМИ ҳажми	668346.2	601905.9	1610850.7	1008944.8	167.6
Бажарилганишларнинг ишлаб чиқариш таннари	701554.3	511976.1	1208854.6	696878.5	136.1
Ялпи фойда	33178.1	89929.8	401996.1	312066.3	347
Фойдадан солиқ	30816.9	40444.2	116982.6	76538.4	189.2
Соф фойда	-158201.3	44946.5	693866.9	648920.4	1443.7
Ишчиларнинг ўртача сони (киши)	49	35	20	-15	-43
Ходимларнинг ишлаб фонди	254897	205527	156157	-79370	-24
Бир ишчига ўртача иш ҳақи	5202	6312	7808	1496	23.7
Меҳнат унумдорлиги	13639.7	17197.3	80542.535	63345.235	368.3
Дебиторлик қарзлари	889311.6	849784.9	1319734.2	469949.3	55.3
Кредиторлик қарзлари	454844.9	1306497.5	1292057.4	-14440.1	-1.1
Рентабеллик (%)	0	36	469	433	1202.7

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бажарилган қурилиш монтаж ишлари ҳажми 2012йилда 668346.2 минг сўмни, 2013йилда 601905.9 минг сўмни, 2014йилда эса 1610850.7 минг сўмни ташкил этади. 2014йилда 2013йилга нисбатан 1008944.8 минг сўмга, яъни 167.6 фоизга кўпайганини кузатиш мумкин. Соф фойда кўрсаткичи 2013йилга нисбатан 2014йилда 648920.4 минг сўмга, яъни 1443.7 фоизга кескин ошганини,

корхонада ишчиларнинг ўртача сони 15 кишига, яъни 43 фоизга камайганини, унга параллел равишда ходимларнинг иш хақи фонди 79370 минг сўмга ёки 24 фоизга камайганини кўриш мумкин. Аммо меҳнат унумдорлиги 2014-йилда бажарилган ишлар ҳажмининг ошганлиги ҳисобидан ўтган йилларга нисбатан 63345.235 минг сўмга, яъни 368.3 фоизга ошганлигини кузатиш мумкин.



2.1.1-расм. “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUS-PARDOZQURILISH” МЧЖларнинг 2012-2014 йиллардаги соф фойда ўзгаришининг таққослама графиги

2.2. “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUS PARDOZ QURILISH” МЧЖларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, уларнинг ишларини яхшилаш, самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш корхоналарнинг ишлаб чиқариш, молиявий, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш даражасини аниқлашга ёрдам беради, фойдаланилмаган ресурсларни аниқлаб,

корхоналарнинг келгусида ривожланиши, уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш учун зарур тавсияларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йўналишлариданбири - бу бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳисобланади. Бу масалани ижобий ҳал этишдакорхоналарнинг хўжалик фаолияти ва молиявий ҳолатини таҳлил қилиш катта роль ўйнайди. Чункикорхоналар фаолиятини таҳлил қилиш бошқарув тизими самарадорлигини оширишнинг муҳим шартиҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бу шартнинг асосий қисми бўлиб корхоналар молиявийҳолатининг таҳлили ҳисобланади. Корхоналарнинг молиявий ҳолати бу - комплекс равишдаги тушунча бўлиб, у ўз ичига кенг кўрсаткичлар тизимини олади, улар:

- корхоналарнинг молиявий ресурслари борлигини, ҳолатини, жойлашганлигини ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалайди;
- корхоналар фаолиятидаги бутун ишлаб чиқариш ва хўжалик омилларининг ҳаракати, уларнинг ўзаро алоқадорлик натижасидир;
- корхоналарнинг мўътадил ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва бошқа фаолияти учун зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш ифодасидир;
- корхоналарнинг бошқа хўжалик субъектлари, органлари ва ташкилотлари билан ўзаро алоқаларни ҳақиқий акс эттиришидир.

Молиявий таҳлил кўп қиррали мураккаб жараён бўлиб, у кенг миқёсда ва аниқ вазифаларни бажариш учун ўтказилади. Корхоналарни ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун анъанавий, қадимдан қўлланилиб келинаётган усуллар билан бирга, кенг тарзда статистика усуллари, молиявий ҳолатни ифодаловчи маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш, статистик кузатишларни ўтказиш, абсолют, нисбий, ўртача, динамик кўрсаткичлардан фойдаланиш, динамик қаторлардан, иқтисодий индекслар тизимидан, омиллараро корреляция алоқаларни аниқлаш, жадвал ва чизма тизимидан фойдаланиш лозим.

Молиявий таҳлил корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда қуйидаги вазифаларни бажаришга йўналтирилиши керак:

- Корхоналарнинг молиявий даражасини баҳолаш;
- Молиявий ҳолатнинг ўзгаришини аниқлаш;
- Корхонанинг тўлов қобилиятига баҳо бериш;
- Молиявий ҳолатига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш;
- Корхонанинг молиявий барқарорлиги ва молиявий мустаҳкамлигига баҳо бериш;
- Корхона баланси ликвидлигига баҳо бериш ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
- Айланма маблағлар айланишига баҳо бериш;
- Корхоналарда қўлга киритилган молиявий ҳолат даражасини ифодалаб, бу борада ҳали фойдаланилмаган имкониятларни, мавжуд заҳираларни кўрсатиб бериш;
- Корхоналарда ҳали фойдаланилмаган имкониятларни сафарбар этиш мақсадида тавсиялар, таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш шарт-шароитларини кўрсатиб бериш.

Мазкур вазифалар шундан далолат берадики, молиявий ҳолатни таҳлил қилиш корхоналарда шаклланаётган бошқарув тизимини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга.

Таҳлилнинг асосий мақсади - молиявий фаолиятдаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаб, маблағлардан янада тўғри фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тартибини мустаҳкамлашга қаратилади. Демак, бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, ҳаражатларни тежаш, пул-молиялоқалари ва бошқа фаолиятларнинг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатади. Булар хўжалик фаолиятининг тўғри бошқарилиши, унинг молиявий барқарор бўлиши ва тўлов қобилиятининг яхшиланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Молиявий барқарорлик таҳлили корхоналар молиявий ҳолатини умумий баҳолашдан кейинги босқич бўлиб ҳисобланади. Молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичи комплекс сифатидаги кўрсаткич бўлиб, у:

- Корхоналарнинг мураккаб бозор муносабатлари даврида ишлаб чиқаришни сақлаб қолиш имкониятини;
- Корхона маблағларидан эркин равишда фойдаланиш имконияти борлигини;
- Ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан, маҳсулот сотиш имконияти борлигини;
- Корхоналар фаолиятининг умумий мустаҳкамлилигини;
- Корхоналар фаолиятига тўғри бошқарувлик қилинаётганлигини;
- Корхоналарда мавжуд молиявий ресурсларни бозор муносабатларининг талабларига жавоб беришлигини;
- Корхоналарнинг захира ва харажатларга бўлган эҳтиёжларини қопловчи манбалар борлиги даражасини кўрсатади.

Демак, молиявий мустаҳкамлик корхоналар молиявий ресурсларининг шаклланиши ваулардан фойдаланиш билан аниқланади. Корхонанинг молиявий барқарорлигига корхоналарнинг бутун хўжалик, ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма йўналишлари таъсир кўрсатади.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини белгиловчи энг муҳим кўрсаткичлар қуйидагилардан иборатдир:

1. Жами маблағдаги корхонанинг ўзига қарашли маблағ улуши. Бунда ўзига қарашли маблағ қанчалик кўп бўлса, шунчалик молиявий барқарорлик юқори бўлади.
2. Корхонадаги ўзига қарашли маблағ билан қарзга олинган маблағлар ўртасидаги нисбат. Ўзига қарашли маблағ улуши ортган сари молиявий барқарорлик кучая боради.
3. Узоқ муддатли қарзлардан фойдаланиш коэффиценти, яъни узоқ муддатли қарз маблағларини корхонанинг ўзига қарашли ва қарз маблағлар суммасининг йиғиндисига бўлинади.
4. Корхонанинг ўзига қарашли маблағларнинг чакқон ҳаракатчанлик коэффиценти.
5. Эскиришнинг жамланиш коэффиценти.

6. Корхона мулки таркибидаги асосий воситаларнинг аниқ қиймати коэффиценти.

7. Корхонадаги жами мулкнинг ҳаракатчанлиги (чаққонлик) коэффиценти.

Юқорида келтирилган кўрсаткичларни таҳлил қилиш қурилиш корхонасининг молиявий барқарорлигини аниқлаш ва унинг аҳволини баҳолашга ёрдам беради.

2.2.3-жадвал

“QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖнинг молиявий коэффицентлар таҳлили

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Ўзгариши (+/-)	2014 йил	Ўзгариши (+/-)
1	2	3	4	5	6
Молиявий мустақиллик коэффиценти	0.28	0.43	0.15	0.26	-0.17
Тўлов қобиляти коэффиценти	0.99	1.52	0.53	1.23	-0.29
Қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат коэффиценти	0.20	0.01	-0.19	2.92	2.91
Заҳира ва харажатларни ўз манбалари билан қопланганлик коэффиценти	0.72	5.67	4.95	1.58	-4.09
Маблағларнинг чаққон ҳаракатчанлик коэффиценти	0.18	0.67	0.49	0.66	-0.01

Юқоридаги 2.2.3-жадвал маълумотларига кўра, “QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖнинг молиявий аҳволига тўғри баҳо бериш учун бухгалтерия балансига асосланган ҳолда молиявий коэффицентлардан фойдаланилди.. Шунга кўра, корхонанинг молиявий мустақиллик коэффиценти 2013 йил 2012 йилга нисбатан 0,15 коэффицентга ёки 53.5 % га ўсган бўлса, 2014 йилда 0.17 коэффицентга яъни, 39.5 % га пасайган. Тўлов қобиляти коэффиценти 2013 йилда 0.53 коэффицентга ўсган. Мазкур коэффицентларнинг бундай тартибда ўзгариши корхонанинг молиявий

ҳолатини 2012 йилга нисбатан 2013 йилда яхшиланиб борганлигидан далолат берса, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 0.29 коэффициентга ёки 19 % га пасайганини кузатиш мумкин. Бу корхонанинг молиявий ҳолати 2014 йилда ёмонлашиб борганини билдиради. Бундан ташқари 2013 йилда корхонада мажбуриятларнинг ўз маблағларига нисбатан улуши 95 фоизга пасайганлигини ижобий баҳоламоқ лозим, яъни бу корхона мажбуриятларининг қисқарганлигидан далолатдир. Аммо 2014 йилда бунинг акси бўлиб, 2.91 коэффициент га ёки 99.9 % га кескин ошганлигини кўриш мумкин. Маблағлар ҳаракатчанлиги эса 2013 йил 2012 йилга нисбатан 0.49 коэффициентга ўсган. Бу эса корхонада айланма маблағларга бўлган талабни янада тўлароқ қондириб бориш имконини беради. Умуман олганда корхона маълумотлари асосида унинг молиявий коэффициентлари ўрганилганда, ушбу коэффициентларнинг ўзгариши ижобий бўлган.

2.2.4-жадвал

”TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” МЧЖнинг молиявий коэффициентлар таҳлили

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Ўзгариши (+/-)	2014 йил	Ўзгариши (+/-)
1	2	3	4	5	6
Молиявий мустақиллик коэффициенти	2.54	1.04	-1.5	0.57	-0.47
Тўлов қобилияти коэффициенти	2.5	1.64	-0.86	1.92	0.28
Қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат коэффициенти	0.39	0.95	0.56	0.76	-0.19
Заҳира ва харажатларни ўз манбалари билан қопланганлик коэффициенти	1.63	1.64	0.01	2	0.36
Маблағларнинг чакқон ҳаракатчанлик коэффициенти	0.59	0.61	0.02	0.70	0.09

2.2.4-жадвал маълумотларига кўра, “TOSHMAXSUSPARDOZ-QURILISH” МЧЖнинг молиявий мустақиллик коэффициенти 2013 йил 2012

йилга нисбатан 1.5 коэффициентга ёки 59 % га, 2014 йилда 0.47 коэффициентга яъни, 45.2 % га камайган. Тўлов қобилияти коэффициенти 2013 йилда 0.86 коэффициентга ёки 34.4 % га камайган. Мазкур коэффициентларнинг бундай тартибда ўзгариши корхонанинг молиявий ҳолатини 2012 йилга нисбатан 2013 йилда ёмонлашиб борганлигидан далолат берса, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 0.28 коэффициентга ёки 17% га ошганлигини кузатиш мумкин. Бу корхонанинг молиявий ҳолати 2014 йилда яхшиланиб борганини билдиради. Бундан ташқари 2013 йилда корхонада мажбуриятларнинг ўз маблағларига нисбатан улуши 143.5 % га ошганлиги салбий ҳолат бўлса, 2014 йилда 0.76 коэффициентга яъни, 20 % га камайдиганини ижобий баҳоламоқ лозим. Маблағлар ҳаракатчанлиги 2013 йил 2012 йилга нисбатан 0.02 коэффициентга, 2014 йилда 0.09 коэффициентга ёки 14.7 % га ўсган. Бу эса корхонада айланма маблағларга бўлган талабни янада тўлароқ қондириб бориш имконини беради. Таҳлил натижасида олинган маълумотларга кўра, ушбу коэффициентларнинг ўзгариши меъёрга бўлган.

Корхонанинг ликвидлиги ўз жорий (айланма) активлари ҳисобидан қисқа муддатли (жорий) мажбуриятларини бажариш қобилиятини кўрсатади. Корхонанинг мол-мулкни нақд пулга айлантириш ҳамда узоқ муддатли ва қисқа муддатли мажбуриятларини қоплашга сарфлаш мумкин бўлганида баланс активи (пулланадиган) бўлади. Бунда актив моддаларининг хусусияти шундан иборатки, улар йўқ бўлиб кетмайди, балки бир шаклдан иккинчисига ўтади. Масалан, товар-моддий бойликларнинг маълум қисми сотилади, дейлик. Бу ҳолда корхонадаги товар моддий бойликлар камаяди. Бироқ ҳисоб-китоб варағидаги, кассадаги ёки валюта ҳисоб счегидаги пул маблағлари шунча суммага кўпаяди. Баланс яқуни ўзгармайди. Чунки товар-моддий бойликлари ҳам, пул ҳам корхонанинг маблағлари бўлиб, унинг баланс активида туради.

Корхона ҳақиқатдан ҳам ликвид, яъни тўловга қобилиятли деб ҳисобланиши учун жорий активлар мажбуриятлардан анча (икки барабардан ортиқроқ) кўп бўлиши керак.

Жорий мажбуриятларни бажариш учун ликвидлиги айланиш тезлигига, яъни нақд пулга айланиш тезлигига боғлиқ бўлган турли активлардан фойдаланиш мумкин.

Балансинг муайян моддалари ўртасидаги нисбатни акс эттирадиган корхона ликвидлигини ифода этадиган коэффициентлар ва молиявий ҳисоботнинг бошқа турларидан иборат бутун бошли кўрсаткичлар тизими мавжуд бўлиб, уларнинг таҳлилни курилиш корхоналари мисолида қуйидаги жадвалларда кўриб чиқамиз.

2.2.5-жадвал

“QURILISH POLIMER SERVIS”МЧЖнинг ликвидлигини баҳолаш

Кўрсаткичлар	Меъёр	2012 йил	2013 йил	Ўзгариши (+/-)	2014 йил	Ўзгариши (+/-)
1	2	3	4	5	6	7
Қоплашкоэффициенти	>2.00	1.5	1,9	0.4	2,1	0.2
Тез ликвидликоэффициенти	>1,00	1	0,1	-0.9	0,2	0.1
Абсолют ликвидликоэффициенти	>0,20	0.41	0,5	0.09	0,4	-0.1
Амал қилувчисармоянингўзг ариши	Мах 0,50	1.24	1.6	0.36	2	0.4
Умумийсармоянингўзг ариши	>0,60	0.71	0.85	0.14	0.91	0.06

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қоплаш коэффициенти, яъни айланма маблағларнинг жорий мажбуриятлар сўммасига нисбати 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 1.5 дан 1.9 га қадар ўзгарган 2014 йилда эса 2.1 га тенглигини кўрсатади, бу эса меъёр даражасидадир. Айланма активлар жорий активлардан 2 баравардан ортиқдир. Корхона оддий

шароитларда ишлаганида айланма маблағлар билан жорий қарзларнинг бундай нисбати меъёр даражасида деб ҳисобланади. Бироқ, корхонанинг катта маблағлари иммобилизация қилинганлиги, яъни товар захиралари ва харажатларда, шунингдек, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларида турганлиги муносабати билан корхонанинг 2014 йилдаги баланси ноликвид деб ҳисобланади. Тез ликвидлик коэффицентлари шундан дарак беради. Бу коэффицентлар 2013 ҳамда 2014 йилда яхшиланмаган ва у белгиланган меъёрдан анча паст бўлиб қолаверган. Абсолют ликвидликкоэффицентасосида муайян пайтда мажбуриятларни қоплаш учун пул маблағлари мавжудлигини аниқлаш мумкин. Корхонада ушбу кўрсаткич уччала йилда ҳам меъёрдан анча юқори. Бу эса корхонанинг энг зарур мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш имконияти шунча яхшилигидан далолат беради. Амал қилувчисармоянингўзгариши 2012-2014 йиллар мобайнида меъёрдан анча ортиқ бўлганлиги корхонада банкротлик ҳавфи борлигидан далолат беради. Бу коэффицент 0.5 дан ортиқ бўлмаслиги, яъни захира ва харажатлар суммаси ўз айланма маблағлари жами суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаслиги нормал ҳисобланади. Умумий сармоянинг ўзгарувчанлик коэффицентлари 2012-2014 йиллар оралиғида меъёрдан анча юқори даражада бўлган. Ушбу кўрсаткич қанча юқори бўлса, корхонанинг ликвидлик даражаси шунча юқори бўлади.

2.2.6-жадвал

“TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH”МЧЖнинг ликвидлилигини баҳолаш

Кўрсаткичлар	Меъёр	2012 йил	2013 йил	Ўзгариши (+/-)	2014 йил	Ўзгариши (+/-)
1	2	3	4	5	6	7
Қоплашкоэффицент и	>2.00	2.5	1.64	-0.86	1.9	0.26
Тез ликвидлиликкоэффиц	>1,00	1.32	1.25	-0.07	1.46	0.21

иенти						
Абсолют ликвидлиликкоэффиц иенти	>0,20	0.26	0.75	0.49	0.75	-
Амал қилувчисармоянингўз гариши	Мах 0,50	0.42	0.43	0.01	0.16	-0.27
Умумийсармоянингўз гариши	>0,60	0.7	0.8	0.1	0.83	0.03

Жадвал маълумотларига кўра қоплаш коэффиценти, яъни айланма маблағларнинг жорий мажбуриятлар сўммасига нисбати 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 2.5 дан 1.64 га қадар ўзгарган 2014 йилда эса 1.9 га тенглигини кўрсатади, бу эса меъёр даражасидадир. Айланма активлар жорий активлардан қарийб 2 баравардан ортиқдир. Корхона оддий шароитларда ишлаганида айланма маблағлар билан жорий қарзларнинг бундай нисбати меъёр даражасидадир. Корхонанинг 2012-2014 йиллардаги баланси ликвид деб ҳисобланади. Тез ликвидлилик коэффицентлари шундан дарак беради. Бу коэффицентлар йилдан-йилгаяхшиланаверган ва у белгиланган меъёрдан анча юқори ҳисобланади. Абсолют ликвидлиликкоэффиценти асосида муайян пайтда мажбуриятларни қоплаш учун пул маблағлари мавжудлигини аниқлаш мумкин. Корхонада Абсолют ликвидлиликкоэффиценти уччала йилда ҳам меъёрдан анча юқори. Бу эса корхонанинг энг зарур мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш имконияти шунча яхшилигидан далолат беради. Амал қилувчисармоянинг 0.5 дан ортиқ бўлмаслиги, яъни захира ва харажатлар суммаси ўз айланма маблағлари жами суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаслиги нормал ҳисобланади. Ушбу коэффицентнинг ўзгариши 2012-2014 йиллар мобайнида меъёрдан анча паст бўлганлиги корхонада банкротлик ҳавфи йўқлигидан далолат беради. Умумий сармоянинг ўзгарувчанлик коэффицентлари 2012-2014 йиллар оралиғида меъёрдан анча юқори

даражада бўлган. Ушбу кўрсаткич канча юқори бўлса, корхонанинг ликвидлик даражаси шунча юқори бўлади.

Молиявий натижалар таҳлилида даромад ва харажатларнинг ўзаро фарқланишидаги ҳолатига баҳо берилади. Молиявий натижалар фойда ва зарарларнинг шаклланиш қаторлари бўйича ўзгаришлари ўрганилади. Фойда ва зарарларнинг омилли таҳлили олиб борилади. Корхонада молиявий натижавийликни яхшилаш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ва уларни йўлга қўйишнинг чора ва тадбирлари белгиланади. Корхонанинг фойдалилик даражасини характерловчи рентабеллик кўрсаткичи ва унинг омилли таҳлили ўтказилади.

Молиявий натижалар таҳлилида қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар қаторига корхона фойдалилиги ёки натижавийлиги кўрсаткичлари, бозор активлиги кўрсаткичлари киритилади. Корхона фойдалигини характерловчи асосий кўрсаткичлар сифатида рентабеллик кўрсаткичлари олинади.

Бугунги кунда корхоналарнинг молиявий натижаларини таҳлил этишда молиявий таҳлилнинг энг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг фойдалилик даражасига баҳо бериш;
- корхонанинг молиявий натижаларини таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- бизнес режада белгиланган фойдалилик даражасига эришилганлиги ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳамда баҳо бериш;
- фойданинг шаклланиши ва ишлатилишининг асосланганлигини текшириш;
- фойданинг кўпайган ёки камайганлигига маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан ва бошқа фаолиятлардан эришилган натижанинг таъсир этишини аниқлаш;
- корхонанинг ялпи фойдаси ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;

- солиққа тортилгунга қадар бўлган фойданинг шаклланишига ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
- корхонанинг соф фойдаси ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳамда баҳо бериш;
- соф фойдани кўпайтириш йўналишларини белгилаб бериш;
- корхонанинг рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш ва уларга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
- корхонанинг умумий рентабеллик даражасини ошириш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳакозолар [32, 218-219 бет].

Қурилиш корхоналари фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида молиявий таҳлилнинг турларидан бири бўлган кўрсаткичларни аниқлаш усулини қўллаган ҳолда корхонанинг айрим кўрсаткичлари таҳлиliga батафсилроқ тўхталиб ўтамиз(2.2.7 ва 2.2.8-жадваллар).

2.2.7-жадвал маълумотларига кўра “QURILISH POLIMER SERVIS”МЧЖнингсоф тушуми ҳажми 2012 йилда 1459937 минг сўмни, 2013 йилда 939961 минг сўмни ва 2014 йилда эса 4434014 минг сўмни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич 2013 йилда 2012 йилга нисбатан7939124 минг сўмга ёки 643.8 % га ошганлиги корхонанинг 2013 йилда ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлиқ фойдаланганлигидан далолат берса, 2014 йилда соф тушум ҳажмининг 52.8 % га ёки 4965047 минг сўмга камайганлигини кўриш мумкин. Ушбу ҳолни буюртмаларнинг 2014 йилда нисбатан кам бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ялпи фойда ҳажми 2013 йилда 669441 минг сўмга ёки 364.3 % га кўпайган бўлса, 2014 йилда корхона харажатларининг ошиши ҳисобига 407151 минг сўмга камайган. Давр харажатлари ўзгариши 2013 йилда 197 % ни, 2014 йилда эса 134.6 % га ошганлигини кўрсатади. Корхонада асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ўтган йилларга нисбатан кескин ошганлиги ҳамда фоиз шаклидаги харажатларнинг камайганлигини ижобий баҳолаш лозим. Соф фойда кўрсаткичи 2013 йилда 333452 минг сўмга яъни, 650 % га кескин равишда ошган, аммо 2014 йилда бу

кўрсаткичнинг 26285 минг сўмга ёки 93.3 % га камайганлиги корхонанинг молиявий аҳволи ёмонлашганидан далолат беради.

2.2.7-жадвал

**“QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖнинг 2012-2014 йиллардаги
молиявий натижаларининг таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларининг таҳлили**

(мингсўм)

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Ўзгариши		2014 йил	Ўзгариши	
				+/-	% да		+/-	% да
1.	Соф тушумҳажми	1459937	9399061	7939124	643.8	4434014	-4965047	-52.8
2.	Бажарилганишларнинг ишлаб чиқариш таннари	1206689	8476372	769683	1305	3918476	-4557896	-53.8
3.	Ялпи фойда	253248	922689	669441	364.3	515538	-407151	-44
4.	Давр харажатлари	125544	247449	121895	197	333004	85555	134.6
5.	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	270	801	531	297	5328	4527	665
6.	Асосий фаолиятнинг фойдаси	127974	676041	548067	528	187862	-488179	-72.2
7.	Фоишлар шаклидаги харажатлар	9986	5096	-4890	-49	4300	-796	-15.6
8.	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	118532	6715951	6597419	5666	184185	-6531766	-97.3
9.	Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда	118532	6715951	6597419	5666	184185	-6531766	-97.3
10.	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	57911	277522	219611	479	157900	-119622	-43.2
11.	Соф фойда	60621	394073	333452	650	26285	-367788	-93.3

2.2.8-жадвал

**“TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” МЧЖнинг 2012-2014 йиллардаги
молиявий натижаларининг таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларининг таҳлили**

(мингсўм)

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Ўзгариши		2014 йил	Ўзгариши	
				+/-	% да		+/-	% да
1.	Софтушум ҳажми	668346.2	601905.9	-66440.3	-9.9	1610850.7	1008944.8	167.6
2.	Бажарилганишларнинг ишлаб чиқариш таннари	701554.3	511976.1	-189578.2	-27	1208854.6	696878.5	136
3.	Ялпи фойда	33178.1	89929.8	56751.7	171	401996.1	312066.3	347
4.	Давр харажатлари	193181.2	112839.1	-80342.1	-41.6	128998.6	16159.5	14.3
5.	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	93325.3	108300	14974.7	16	404540.3	296240.3	273.5
6.	Асосий фаолиятнинг фойдаси	-	85390.7	85390.7	-	677537.8	592147.1	693.5
7.	Фоишлар шаклидаги харажатлар	3800.4	-	-	-	152040	-	-
8.	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	127384.4	85390.7	72606.3	57	817836.2	732445.5	858
9.	Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда	127384.4	85390.7	72606.3	57	817836.2	732445.5	858
10.	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	30816.9	40444.2	9627.3	0.31	116982.6	76538.4	189.2
11.	Соф фойда	158201.3	44946.5	-113254.8	-71.6	693866.9	648920.4	1443.8


2.2.8-жадвал маълумотларига кўра “TOSHMAXSUSPARDOZ-QURILISH” МЧЖнинг соф тушуми ҳажми 2012 йилда 668346.2 минг сўмни, 2013 йилда 601905.9 минг сўмни ва 2014 йилда эса 1610850.7 минг сўмни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 66440.3 минг сўмга ёки 9.9 % га камайган, 2014 йилда соф тушум ҳажмининг 167.6 % га ёки 1008944.8 минг сўмга ошганлиги корхонанинг 2014 йилда ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлиқ фойдаланганлигидан далолат беради. Ялпи фойда ҳажми 2013 йилда 56751.7 минг сўмга ёки 171 % га , 2014 йилда 312066.3 минг сўмга ёки 347 % га ошган. Давр харажатлари ўзгариши 2013 йилда 41.6 %га камайдиганини , 2014 йилда эса 134.6 % га ошганлигини кўрсатади. Корхонада асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ўтган йилларга нисбатан кескин ошганлиги ҳамда фоиз шаклидаги харажатларнинг умуман бўлмаганлиги ижобий баҳолаш лозим. Соф фойда кўрсаткичи 2013 йилда -113254.8 минг сўмга яъни, 71.6 % га камайган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткичнинг 648920.4 минг сўмга ёки 1443.8 % га кескин равишда ошганлиги корхонада молиявий аҳволнинг ижобийлигидан далолат беради. Ушбу ҳолатни 2014 йилда соф тушум ҳажмининг ошиши билан изоҳлаш мумкин.

Корхонанинг молиявий (салоҳияти) потенциали таҳлиликорхона раҳбарларига ўз фаолиятини тўғри баҳолаш, молиявий аҳволини билиш имконини берса, инвесторларга ўз маблағини қўйиш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил қилиш учун бирор қарорга келишига асос бўлади. Молиявий потенциал таҳлили шу фирма кредиторларга пулларини тўлаш мумкинлигини кўрсатади ва улар билан яна иқтисодий алоқаларни давом эттириш учун ишонч ҳосил қилади.

Молиявий потенциални ифодаловчи кўрсаткичларни асослашдан олдин унинг иқтисодий моҳияти ва мазмунини очишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ҳар қандай корхона, фирма, ташкилот ўз фаолиятини тегишли маблағ билан таъминлаб туриши учун маълум даражада молиявий потенциалга (салоҳиятга) эга бўлиши лозим. Корхона молиявий имкониятга

эга бўлмаса ўзининг моддий техника базасини ҳам, айланма маблағларини ҳам шакллантириш имконига эга бўлмайди. Оқибатда фаолият кўрсатиши ҳам қийин бўлади. Демак, корхоналар, энг аввало, маълум даражада молиявий салоҳиятга эга бўлиши керак.

Корхонанинг молиявий салоҳияти унинг турли манбалардан таркиб топган молиявий маблағлари мажмуасидан иборатдир. Бу таъкидланганидек, иқтисодий моҳияти жиҳатидан, энг аввало, ўз маблағлари ҳисобидан ва четдан жалб қилинган, қисқа ва узоқ муддатли маблағлардан таркиб топади(2.2.3-расм)[18,326-345 бетлар].



2.2.3 - расм. Корхонанинг молиявий салоҳияти (потенциали) таркиби

Молиявий салоҳият (потенциал)нинг (Мп.) самарадорлиги деганда унинг натижавийлиги тушунилади. Қуйидаги 2.2.9 ва 2.2.10-жадвалларда диссертация мавзусидан келиб чиқиб қурилиш корхоналарининг молиявий потенциали самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисоб-китоби ва таҳлили келтирилган.

2.2.9-жадвал

**“QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖнинг молиявий потенциали самарадорлигини ифодаловчи
кўрсаткичлар ҳисоб-китоби(сўм)**

№	Кўрсаткичлар	Аниқланиш формуласи	2011 йил	2012 йил	Ўзгариши		2013 йил	2014 йил	Ўзгариши	
					(+/-)	% да			(+/-)	% да
1.	Молиявий потенциалсамарадорлиги	$M_{пс} = M/M_{п}$	1.73	5.38	3.65	211	5.38	1.56	-3.82	-71
2.	Молиявий потенциал даромадлилиги	$M_{пд} = Д/M_{п}$	0.30	0.53	0.23	76.6	0.53	1.82	1.29	243.4
3.	Молиявий потенциал фойдалилиги (%)	$M_{пф} = Ф/M_{п}$	7	23	16	228.6	22	1	-21	-95.5
4.	Ўз маблағлар самарадорлиги	$Ў_{мс} = M/Ў_{м}$	6.11	12.3	6.19	101.3	12.28	6.13	-6.15	-50.1
5.	Ўз маблағлар даромадлилиги	$Ў_{м.д} = Д/Ў_{м}$	1.06	1.2	0.14	13.2	1.21	0.71	-0.5	-41.3
6.	Ўз маблағлар фойдалилиги	$Ў_{м.ф} = Ф/Ў_{м}$	25	51	26	104	51	4	-47	-92.2
7.	Четдан жалб қилинган маблағлар самарадорлиги	$\frac{М}{Ч_{жқм.с}} = \frac{М}{Ч_{жқм}}$	2.4	9.57	7.17	299	9.57	2.1	-7.47	-78.1
8.	Четдан жалб қилинган маблағлар даромадлилиги	$\frac{Д}{Ч_{жқм.д}} = \frac{Д}{Ч_{жқм}}$	0.42	0.94	0.52	123.8	0.94	0.25	-0.69	-73.4
9.	Четдан жалб қилинган маблағлар фойдалилиги(%)	$\frac{Ф}{Ч_{жқм.ф}} = \frac{Ф}{Ч_{жқм}}$	10	40	3	300	0.4	1	-39	-97.5

2.2.9-Жадвал маълумотларига кўра “QURILISH POLIMER SERVIS”

МЧЖнинг молиявий потенциали самарадорлиги кўрсаткичлари ўтган 2012 йилда 2011 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсган. Масалан, молиявий потенциалсамарадорлигининг ўсиш суръати 211 % ни, молиявий потенциал даромадлигининг ўсиш суръати 46.6 % ни, молиявий потенциал фойдалилиги эса 228.6 % ни ташкил этади. Ўз маблағлар самарадорлиги ва даромадлигининг ўсиш суръати 101.3 % ҳамда 13.2 % ни ташкил этади. Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичларнинг ҳам шу даврда кескин равишда ошганлигини кузатиш мумкин. Аммо корхонанинг молиявий потенциали самарадорлиги кўрсаткичлари 2014 йилда 2013 йилга нисбатан анча камайган. Масалан, Мп умумий миқдорининг самарадорлиги, яъни 1 сўмга тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми 2013 йилда 5.38 сўмни ташкил қилган бир пайтда, 2014 йилда унинг миқдори 1.56 сўмга тенг бўлган, яъни 71 % га камайган. Ўз маблағлар самарадорлиги ва четдан жалб қилинган маблағлар самарадорлигининг ҳам 50.1 % ва 78.1 % га камайганини кўриш мумкин. Мп самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири уларнинг даромадлигидир. Корхонада ушбу кўрсаткичнинг ўзгариши ўтган 2013 йилга нисбатан 1.29 сўмни ёки 243.4 % ни ташкил этади. Аммо ўз маблағлар ва четдан жалб қилинган маблағлар даромадлилиги ўтган йилларга нисбатан яъни, 41.3 % ва 73.4 % га анча камайган. Бу ҳол даромад ҳажмининг камайиши билан боғлиқ. Худди шундай ҳолатни фойдалилик кўрсаткичларини таҳлил қилганда ҳам кўриш мумкин. Масалан, Мп фойдалилиги 2013 йилда 22 % га тенг бўлган бўлса, 2014 йилда ушбу кўрсаткичнинг 1 % ни ташкил этиши таҳлил қилинаётган даврда фойдалиликнинг 95.5 % га камайганлигидан далолат беради. Ўз маблағлар фойдалилиги ҳам ўтган йилга нисбатан 92.2 % га, четдан жалб қилинган маблағлар фойдалилиги эса 97.5 % га кескин равишда камайгани ачинарли ҳолдир. Таҳлил даврида корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши ва харажатларнинг нисбатан ортиши ҳисобига фойда ва даромад ҳажмининг кескин камайганига гувоҳ бўлдик.

2.2.10-жадвал

**“TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” МЧЖнинг молиявий потенциали самарадорлигини ифодаловчи
кўрсаткичлар ҳисоб-китоби(сўм)**

№	Кўрсаткичлар	Аниқланиш формуласи	2011 йил	2012 йил	Ўзгариши		2013 йил	2014 йил	Ўзгариши	
					(+/-)	% да			(+/-)	% да
1.	Молиявий потенциалсамарадорлиги	$M_{пс} = M/M_{п}$	0.96	0.28	-0.68	-70.8	0.17	0.37	0.02	117.6
2.	Молиявий потенциал даромадлилиги	$M_{пд} = Д/M_{п}$	0.16	0.013	-0.15	-9.2	0.03	0.09	0.06	200
3.	Молиявий потенциал фойдалилиги (%)	$M_{пф} = Ф/M_{п}$	0.15	-	-	-	0.01	0.16	0.15	1500
4.	Ўз маблағлар самарадорлиги	$Ў_{мс} = M/Ў_{м}$	1.6	3.9	2.3	144	0.34	0.66	0.32	94
5.	Ўз маблағлар даромадлилиги	$Ў_{м.д} = Д/Ў_{м}$	0.27	0.41	0.14	52	0.05	0.16	0.11	220
6.	Ўз маблағлар фойдалилиги	$Ў_{м.ф} = Ф/Ў_{м}$	0.25	-	-	-	0.03	0.28	0.25	833
7.	Четдан жалб қилинган маблағлар самарадорлиги	$\frac{М}{Ч_{жқм.с}} = \frac{М}{Ч_{жқм}}$	2.47	0.99	-1.48	-59.9	0.36	0.87	0.51	141.7
8.	Четдан жалб қилинган маблағлар даромадлилиги	$\frac{Д}{Ч_{жқм.д}} = \frac{Д}{Ч_{жқм}}$	0.42	0.05	0.37	88	0.53	0.23	-0.3	-57
9.	Четдан жалб қилинган маблағлар фойдалилиги(%)	$\frac{Ф}{Ч_{жқм.ф}} = \frac{Ф}{Ч_{жқм}}$	0.39	-	-	-	0.01	0.16	0.15	1500

2.2.10-Жадвал маълумотларига кўра “TOSHMAXSUSPARDOZ-QURILISH” МЧЖнинг молиявий потенциали самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари ўтган 2012 йилда 2011 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Масалан, молиявий потенциалсамарадорлиги таҳлил даврида 70.8 % га, даромадлигининг эса 9.2% га камайганини кўриш мумкин. Аммо, ўз маблағлар самарадорлиги ва даромадлиги кескин равишда ўсган бўлиб, уларнинг ўсиш суръати 144 % ҳамда 52 % ни ташкил этади. Четдан жалб қилинган маблағлар самарадорлиги 59.9 % га камайган бўлса, четдан жалб қилинган маблағлар даромадлиги шу даврда кескин равишда 88 % га ошганлигини кузатиш мумкин. Корхонанинг молиявий потенциали самарадорлиги кўрсаткичлари 2014 йилда 2013 йилга нисбатан анча ижобий томонга ўзгарган. Масалан, молиявий потенциал умумий миқдорининг самарадорлиги, яъни 1 сўмга тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми 2013 йилда 0.17сўмни ташкил қилган бир пайтда, 2014 йилда унинг миқдори 0.37 сўмга тенг бўлган, яъни 117.6 % га ошган. Ўз маблағлар самарадорлиги ва четдан жалб қилинган маблағлар самарадорлигининг ҳам 94 % ва 141.7 % га ошганини кўриш мумкин. Молиявий потенциал самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири уларнинг даромадлигидир. Корхонада ушбу кўрсаткичнинг ўзгариши ўтган 2013 йилга нисбатан 0.6 сўмни ёки 200 % ни ташкил этади. Ўз маблағлар даромадлиги ўтган йилларга нисбатан яъни, 220 % га анча кўпайган бўлса, четдан жалб қилинган маблағлар даромадлиги 57 % га камайган. Бу ҳол даромад ҳажмининг камайиши ва четдан жалб қилинган маблағлар миқдорининг ошиши билан боғлиқ.

Молиявий потенциал фойдалилигининг ўсиш суръати 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 1500 % га тенг бўлган бўлса, ўз маблағлар фойдалилиги ҳам ўтган йилга нисбатан 833 % га, четдан жалб қилинган маблағлар фойдалилиги эса 1500 % га кескин равишда ошганиқувонарли ҳолдир. Таҳлил даврида корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг ошгани ва харажатларнинг нисбатан камайиши ҳисобига фойда ва даромад ҳажмининг ошганига гувоҳ бўлдик.

Рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили корхонанинг фаолияти канчалик даромадлилигини кўрсатади. Одатда унинг бир неча турлари ҳисоб-китоб қилинади. Бу бевосита мулкнинг шакли бўйича даромадларнинг юзага чиқиш ўрни ёки базаси бўйича, фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи бирликлар бўйича ёки мустақил бирликлар бўйича аниқланиши мумкин. Бу кўрсаткичлар молиявий ҳисоботдан ички ва ташки фойдаланувчилар учун қизиқарли бўлиб, корхона ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, шунингдек инвестицион жозибадорликни белгилайди.

Рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларга таҳлилда алоҳида аҳамият берилади. Рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларни уларда қатнашувчи бирликларга нисбатан белгилаш мумкин. Масалан, маҳсулотни сотишга нисбатан рентабеллик ўзгаришига сотишдан олинган ялпи фойда суммасининг ўзгариши ва сотишдан олинган тушумлар суммасининг ўзгариши таъсир этса, асосий воситалар рентабеллигига корхона соф фойдасининг ўзгариши ва асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматининг ўзгариши, умумий рентабелликка бир сўмлик тушумга тўғри келадиган соф фойда суммасининг ўзгариши, асосий воситалар қайтимининг ўзгариши ва моддий оборот маблағлар қайтимининг ўзгаришлари таъсир қилади ва ҳ.к

Қуйидаги 2.2.11-жадвалда қурилиш корхонасининг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили келтирилган бўлиб унга кўра “TOSHMAXSUS-PARDOZQURILISH” МЧЖнинг асосий фаолияти рентабеллиги 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 47.8 % га ўзгарган. Бу ҳол қилинган харажатларнинг қандай самарадорликка эга бўлганлигини ифодалайди. Аммо, 2012 йилда корхона зарар кўрганлиги ҳисобига рентабелликка эришмаганлиги ачинарли ҳолдир. Активлар рентабеллиги 2013 йилда 1.3 % ни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб 14.7 % га ошган. Хусусий сармоя рентабеллиги 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 25 % га кўпайган. Ушбу ҳолат хусусий сармоя самарадорлигининг ошганлигидан далолат беради. Корхонада айланма маблағлар рентабеллиги 2011 ва 2013 йилда стабил ҳолда 2 % ни ташкил этган бўлса, 2014 йилда ушбу кўрсаткич 19 % га кескин равишда ошган.

Ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги 2011 йилда 19 % ни, 2013 йилда 1.5 % ни, 2014 йилда эса 18 % ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич корхонада 100 сўмлик моддий ресурсларга тўғри келадиган соф фойданинг миқдорини ифодалайди. Унинг миқдори қанча ошиб борса, корхона учун шунча яхши ҳисобланади.

“QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖнинг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили шундан далолат берадики, 2014 йилдаги рентабеллик даражаси ўтган йилларга нисбатан анча паст. Ушбу ҳол 2014 йилда соф фойда ҳажмининг кескин камайиши билан изоҳланади. Масалан, асосий фаолиятнинг рентабеллиги 2011 йилда 1.7 %, 2012 йилда 5 %, 2013 йилда 46 % ни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб 0.7 % га кескин камайган. Бу қилинган харажатларнинг самарадорлиги пасайганлигидан далолат беради.

Активлар рентабеллиги 2013 йилда 23 % ни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб 0.9 % га камайган. Хусусий сармоя рентабеллиги ҳам 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 46.7 % га камайган. Ушбу ҳолат хусусий сармоя самарадорлигининг камайганлигидан далолат беради. Корхонада асосий ва қарз сармоя рентабеллиги 2011 ва 2012 йилда стабил ҳолда ўсган бўлса, 2014 йилда ушбу кўрсаткич кескин равишда камайган. Айланма маблағлар рентабеллиги 2011 йилда 9.3 % ни, 2012 йилда 10% ни, 2013 йилда 26 % ни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 1 % ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич корхонада 100 сўмлик айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига тўғри келадиган соф фойданинг миқдорини ифодалайди. Унинг миқдори қанча ошиб борса, корхонада айланма маблағлар самарадорлиги шунча юқори ҳисобланади ва аксинча.

Қурилиш корхоналарининг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	“TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” МЧЖ				“QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖ			
		2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
1.	Асосий фаолиятнинг рентабеллиги	18.2	-	9.2	57	1.7	5	46	0.7
2.	Сотиш бўйича рентабеллик	15	-	7	43	1.5	4.1	4.2	0.6
3.	Активларнинг рентабеллиги	15.3	-	1.3	16	6.4	7.2	23	0.9
4.	Хусусий сармоя рентабеллиги	25	-	3	28	15	25	51	4.3
5.	Асосий сармоя рентабеллиги	66	-	7	94.4	21	25	152	11
6.	Қарз сармоя рентабеллиги	39.1	-	3	37	11	10	4	1.2
7.	Айланма маблағлар рентабеллиги	2	-	2	19	9.3	10	26	1
8.	Асосий воситалар рентабеллиги	302	-	24.2	291	22	25	154	11
9.	Молиявий салоҳият рентабеллиги	15.3	-	1.3	16	6.4	7.2	23	0.9
10.	Меҳнат салоҳияти рентабеллиги (мингсўм)	12863.4	-	1284.2	34693.3	960.9	2245.2	10370.3	571.4
11.	Ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги	19	-	1.5	18	6.4	71	23	0.9

2.3. Қурилиш корхоналарининг бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш

Умуман олганда ҳар қандай бошқарувнинг мақсади ташқи муҳитда узоқ муддатда мунтазам фаолият юритишни таъминлашдан иборатдир. Корхонанинг бошқарув самарадорлигини баҳолашда бошқарувнинг мақсадларини аниқлаш, шунингдек уларнинг бажарилишини таъминлашдан иборат эканлигини ёдда тутиш лозим. Бошқарув самарадорлигининг ўзи ҳам кенг ва тор маънодаги кўринишга эга бўлиб, ҳисоб-китоб қилишда кўпгина кўрсаткичларни аниқлашга тўғри келади.

Бошқарув самарадорлигига баҳо бериш учун жуда кўп ва турли-туман миқдорий ва сифат кўрсаткичлари қўлланилади. Ҳар бир кўрсаткич қуйидаги тарзда таққосланиши керак:

- бирор давр ҳақиқий кўрсаткичларини режадаги, нормативдаги кўрсаткичлар билан;
- жорий давр ҳақиқий кўрсаткичларини ўтган даврлар кўрсаткичлари билан;
- бир корхона ҳақиқий кўрсаткичларини бошқа корхона ҳақиқий кўрсаткичлари билан.

Шундагина иқтисодий таҳлил ҳам макон, ҳам замон нуқтаи назардан амалга оширилган бўлади.

Фикримизча, ишлаб чиқариш самарадорлигида фонд тежамкорлиги ва фонд сиғими омилларининг алоқалари ва ролини аниқлаш учун иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тизими харажатларнинг асосий гуруҳлари: жонли меҳнатдан фойдаланиш самарадорлиги (меҳнат унумдорлиги, соф маҳсулот бўйича меҳнат унумдорлиги, фойда бўйича меҳнат самарадорлиги-меҳнат рентабеллиги); капитал қўйилмалардан фойдаланиш самарадорлиги, асосий ишлаб чиқариш фондлари (фонд қайтими, фондларнинг соф фойда бўйича самарадорлиги, фондлар рентабеллиги); таннархни пасайтириш самарадорлиги, ишлаб чиқариш харажатлари (қиймати бўйича ишлаб чиқариш самарадорлиги, соф маҳсулот бўйича ишлаб чиқариш

самарадорлиги, ишлаб чиқариш рентабеллиги, таннарх бўйича рентабеллик)дан фойдаланиш самарадорлигида кўриниши лозим.

Корхона фаолияти ва уни самарали бошқаришни ўрганиш қуйидагилар учун муҳим:

- жорий ишлар таҳлили;
- корхонанинг ўзгарувчан бозор конъюктураси шароитида хатти ҳаракатининг башорати;
- оптимал қарорлар қабул қилиш мақсадида тавсияномалар ишлаб чиқиш;
- корхоналарнинг чекланган ресурслардан фойдаланишнинг энг мақбул воситаларини аниқлаш.

Хўжалик фаолияти самарадорлиги бошқарув тизими ишинатижаларига қараб баҳолаш имконини яшартди. Бу эса ташкилотнинг такомиллашувини ва бошқарув тежамкорлигини таъминлайди. Хўжалик фаолияти самарадорлиги кўп жиҳатдан бошқарув аппарати ишлари сифатининг улар қабул қиладиган қарорлар натижавийлигига боғлиқлиги алоҳида аҳамият касб этади.


Қуйида қурилиш корхоналарининг бошқарув самарадорлигини ифодаловчи бир нечта кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби ва таҳлилини кўриб чиқамиз.

2.3.12-жадвал

Қурилиш корхонасининг бошқарув меҳнати самарадорлиги

№	Йиллар	“TOSHMAXSUSPAR-DOZQURILISH” МЧЖ	“QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖ	Ўзгариши	
				(+/-)	% да
1.	2011	0.3	0.43	0.13	43.3
2.	2012	0.26	0.76	0.5	192
3.	2013	0.75	4.3	3.6	473
4.	2014	2.5	0.34	-2.6	-86.4

Жадвал маълумотларига кўра қурилиш корхоналарининг йиллар бўйича бошқарув меҳнати самарадорлигини таққослаганда қуйидаги хулосага келдик. (2.3.2.- расм.)



2.3.1- расм. Қурилиш корхонасининг бошқарув меҳнати самарадорлиги

“QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖнинг бошқарув меҳнати самарадорлиги 2013 йилга қадар “TOSHMAXSUSPARDOZ QURILISH” МЧЖнинг бошқарув меҳнати самарадорлигидан юқори бўлган. Жумладан, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 43.3 %га, 2012 йилда 192 % га ва 2013 йилда 473 % га кескин фарқ қилишини кўриш мумкин. Аммо 2014 йилга келиб “QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖнинг бошқарув меҳнати самарадорлиги 86.4 % га камайган. Ушбу ҳолат ишлаб чиқарилган маҳсулот, иш ёки хизматларнинг камайганлиги билан изоҳланади. Чунки юқорида аниқланган бошқарув меҳнати самарадорлиги кўрсаткичи ишлаб чиқарилган маҳсулот, иш ёки хизматларнинг бошқарув харажатларига нисбати орқали аниқланади.

Ишлаб чиқариш режасини муваффақиятли бажариш авваламбор корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги билан боғлиқ.

Маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи меҳнат омиллари таркибида куйидаги кўрсаткичлар ўрганилади:

- Корхонанинг ишчи кучи билан қай даражада таъминланганлиги.

- Иш вақтидан самарали фойдаланиши.
- Бир ишчи ходимга тўғри келувчи ўртача иш унуми.

Ҳозирги шароитда, илмий техника тараққиёти ривожланаётган даврда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади. Ушбу қайд этилган меҳнат омилларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини қуйидаги жадвалда келтирилган қурилиш корхоналари мисолида кўришимиз мумкин.

2.3.13-жадвал

“QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖнинг меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлигини баҳолаш

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	Ўзгариши	
					(+/-)	% да
1	1	3	4	5	7	8
1.	Маҳсулот ҳажми, минг сўм	1459937	9399061	4434014	-4965047	-52.8
2.	Ишчиларнинг ўртача сони (киши)	27	38	46	8	21
3.	Меҳнатунумдорлиги	54071.7	247343,7	96391,62	-150952,1	-61
4.	Ишчиларнинг жами ишлаган иш соатлари, минг киши/соат	54400	62853	88320	25467	40.5
5.	Ҳар 1000 сўм маҳсулот учун сарфланган меҳнат, соат	0.04	0.01	0.02	0.01	100
6.	Ишчининг бир соатлик иш унуми, минг сўм	26.8	149.5	50.2	-99.3	-66.4

Жадвал маълумотларига кўра 2014 йилда ишчилар сонининг ошишига қарамасдан меҳнат унумдорлиги 2013 йилга нисбатан 61 % га камайган. Меҳнат сарфи 2014 йилда 100 % га ошганини ишлаб чиқарилган маҳсулот, иш ёки хизматлар ҳажмининг 4965047 минг сўмга яъни, 52.8 % га камайдигани билан изоҳлаш мумкин. Ишчиларнинг жами ишлаган иш соатлари 2014 йилда 2013 йилга нисбатан ишчилар сонининг ошиши ҳисобига 25467 минг киши/соатга ёки 40.5 % га кўпайган. Ишчининг бир соатлик иш унуми 66.4 %

га ёки 99.3 минг сўмга камайган. Ушбу ҳолат ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаганлигидан далолат беради.

2.3.14-жадвал

“TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” МЧЖнинг меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлигини баҳолаш

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	Ўзгариши	
					(+/-)	% да
1	1	3	4	5	7	8
1.	Маҳсулот ҳажми, минг сўм	668346.2	601905.9	1610850.7	1008944.8	167.6
2.	Ишчиларнинг ўртача сони (киши)	49	35	20	-15	-43
3.	Меҳнатунумдорлиги	13639.7	17197.3	80542.535	63345.235	368.3
4.	Ишчиларнинг жами ишлаган иш соатлари, минг к/соат	100352	70336	40320	-30016	-42.7
5.	Ҳар 1000 сўм маҳсулот учун сарфланган меҳнат, соат	1.5	0.12	0.03	-0.09	-75
6.	Ишчининг бир соатлик иш унуми, минг сўм	6.66	8.56	40	31.44	367

2.3.10-жадвал маълумотларига кўра “TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” МЧЖнинг меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлигини баҳолаш натижасида қуйидаги хулосаларга келдик. 2014 йилда ишчилар сонининг камайишига қарамасдан меҳнат унумдорлиги 2013 йилга нисбатан 368.3 % га ошган. Меҳнат сарфи 2014 йилда 75 % га камайдиганини ишчиларнинг жами ишлаган иш соатларининг 42.7 % га камайдигани ва ишлаб чиқарилган маҳсулот, иш ёки хизматлар ҳажмининг 1008944.8 минг сўмга яъни, 167.6 % га ошгани билан изоҳлаш мумкин. Ишчининг бир соатлик иш унуми 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 367 % га ёки 31.44 минг сўмга ошгани корхонада ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилганлигидан далолат беради.

Бизга маълумки меҳнат унумдорлигисамарадорликни белгиловчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигига бир неча омиллар таъсир кўрсатади. Жумладан, технология, фонд билан қуролланиш даражаси, меҳнат шароити, иш ҳақи ва бошқалар. Мазкур омилларнинг меҳнат унумдорлиги билан боғлиқлик даражасини корреляцион боғланиш асосида ўрганиш мумкин. Бизга маълум бўлган маълумотлар асосида фақат иш ҳақи ва меҳнат унумдорлиги орасидаги боғлиқликни (жуфт корреляция) корреляцион боғланиш зичлигини аниқлаш асосида кўриб чиқамиз (2.3.15 ва 2.3.16-жадваллар).

2.3.15-жадвал

“QURILISH POLIMER SERVIS”МЧЖнинг меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақининг омилли таҳлили

Йиллар	Меҳнат унумдорлиги X (Омил белги)	Бир ишчига ўртача иш ҳақи y (Нативажий белги)	X ²	y ²	XY
2012	54071.7	6401	2923748740.9	40972801	346112951.7
2013	247343.7	8745.6	61178905929.6	76785519.4	2163169062.7
2014	96391.62	9286.9	9291344406.2	86246511.61	895179335.8
Жами	397807.02	24433.5	73393999076.7	2037044832.01	3404461350.1

Корреляция коэффиценти (K_к) қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$K_k = \frac{\overline{xy} - \bar{x} * \bar{y}}{\delta_x * \delta_y};$$

Бу ерда:

$\overline{xy}$ -омил белги билан натижавий белги кўпайтмалари йиғиндисининг ўртача

даражаси ($\overline{xy} = \frac{\sum xy}{n}$);

$\overline{x}$ - омил белгининг ўртача даражаси ($\overline{x} = \frac{\sum x}{n}$);

$\overline{y}$ - натижавий белгининг ўртача даражаси ($\overline{y} = \frac{\sum y}{n}$);

δ_x - омил белгининг ўртача квадратик тафовути

$$\delta_x = \sqrt{\frac{\sum (x - \overline{x})^2}{n}} = \sqrt{\frac{\sum x^2}{n} - \overline{x}^2};$$

δ_y - натижа белгининг ўртача квадратик тафовути

$$\delta_y = \sqrt{\frac{\sum (y - \overline{y})^2}{n}} = \sqrt{\frac{\sum y^2}{n} - \overline{y}^2};$$

Жадвал маълумотларидан келиб чиқиб қуйидагиларни ҳисоблаб чиқамиз:

$$\overline{x} = \frac{\sum xy}{n} = \frac{3404461350,17}{3} = 1134820450,1$$

$$\overline{y} = \frac{\sum y}{n} = \frac{397807,02}{3} = 132602,34$$

$$\overline{y} = \frac{\sum y}{n} = \frac{24433,5}{3} = 8144,5$$

$$\begin{aligned} \delta_x &= \sqrt{\frac{73393999076,7}{3} - 132602,34^2} = \sqrt{24464666358,9 - 17583380573,5} = \\ &= \sqrt{6881285785,4} = 82953,5 \end{aligned}$$

$$\delta_y = \sqrt{\frac{203704832,01}{3} - 8144,5^2} = \sqrt{67901610,67 - 66332880,25} = \sqrt{1568730,42} = 1252,5$$

Аниқланган натижалардан корреляция коэффиценти (K_k) ни топиб оламиз:

$$K_k = \frac{\overline{xy} - \bar{x} * \bar{y}}{\delta_x * \delta_y} = \frac{1134820450,1 - 132602,34 * 8144,5}{82953,5 * 1252,5} =$$

$$= \frac{1134820450,1 - 1079979758,13}{103899258,75} = \frac{54840691,92}{103899258,75} = 0,53$$

Шундан кейин корреляция коэффицентининг квадрати ҳисоблаш учун детерминация коэффиценти аниқланади. *Детерминация*

коэффиценти мил белгининг ўзгаришига натижавий белги ўзгаришининг боғлиқлигини нисбий ифодаловчи кўрсаткичдир. Бу мисолда детерминация коэффиценти 28% га тенг, яъни детерминация коэффиценти $K_k^2 = 0,53^2 = 0,28$ ёки 28%. Демак, меҳнат унумдорлиги мазкур корхонада 28% иш ҳақиға боғлиқ бўлади.

2.3.16-жадвал

“TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” МЧЖнинг меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақининг омилли таҳлили

Йиллар	Меҳнат унумдорлиги X (Омил белги)	Бир ишчига ўртача иш ҳақи Y (Натижавий белги)	X^2	Y^2	XY
2012	1363.97	5202	186041416.09	27060804	70953719.4
2013	17197.3	6312	295747127.29	39841344	108549357.6
2014	80542.5	7808	6487094306.25	60964864	628875840
Жами	111379.5	19322	6968882849.63	127867012	808378917

Жадвал маълумотларидан келиб чиқиб қуйидагиларни ҳисоблаб чиқамиз:

$$\overline{xy} = \frac{\sum xy}{n} = \frac{808378917}{3} = 269459639$$

$$\bar{x} = \frac{\sum x}{n} = \frac{111379,5}{3} = 37126,5$$

$$\bar{y} = \frac{\sum y}{n} = \frac{19322}{3} = 6440,7$$

$$\begin{aligned}\sigma_x &= \sqrt{\frac{6968882849,63}{3} - 37126,5^2} = \sqrt{2322960949,87 - 1378377002,25} = \\ &= \sqrt{944583947,62} = 30734,08\end{aligned}$$

$$\sigma_y = \sqrt{\frac{127867012}{3} - 6440,7^2} = \sqrt{42622337,3 - 41482616,49} = \sqrt{1139720,81} = 1067,57$$

Аниқланган натижалардан корреляция коэффиценти (K_k) ни топиб оламиз:

$$\begin{aligned}K_k &= \frac{\overline{xy} - \bar{x} * \bar{y}}{\sigma_x * \sigma_y} = \frac{269459639 - 37126,5 * 6440,7}{30734,08 * 1067,57} = \frac{269459639 - 239120648,55}{32810781,79} = \\ &= \frac{30338990,45}{32810781,79} = 0,92\end{aligned}$$

Шундан кейин корреляция коэффицентининг квадрaтини ҳисоблаш учун детерминация коэффиценти аниқланади. Бу мисолда детерминация коэффиценти 85% га тенг, яъни детерминация коэффиценти $K_k^2 = 0,92^2 = 0,85$ ёки 85%. Демак, меҳнат унумдорлиги мазкур корхонада 85% иш ҳақиға боғлиқ бўлади.

II Боб бўйича хулоса

“QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZ-QURILISH” МЧЖларнинг бошқарув фаолияти ҳамда молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили номли иккинчи бобда корхоналар фаолияти, таркибий тузилиши, молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили келтирилган ҳамда қурилиш корхоналарининг бошқарув тизими самарадорлиги баҳоланган.

Иккинчи боб юзасидан қуйидаги хулосаларни билдириш мумкин:

- “QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларидан келиб чиқиб, шунини айтиш мумкинки корхона сўнгги йилларда барқарор ривожланган деб баҳолаш мушкул. Чунки бажарилган қурилиш монтаж ишлари ҳажми 2012 йилда 1459937 минг сўмни, 2013 йилда 9399061 минг сўмни, 2014 йилда эса 4434014 минг сўмни ташкил этади. 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 4965047 минг сўмга, яъни 52,8 фоизга камайганини кузатиш мумкин. Соф фойда кўрсаткичи 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 367788 минг сўмга, яъни 93,3 фоизга кескин камайганини, корхонада ишчиларнинг ўртача сони эса 21 фоизга ошиб, унга параллел равишда ходимларнинг иш ҳақи фонди 94864 минг сўмга, 28,5 фоизга ошганини кўриш мумкин. Аммо меҳнат унумдорлиги 2014-йилда бажарилган ишлар ҳажмининг камайганлиги ҳисобидан ўтган йилларга нисбатан 150952,1 минг сўмга, яъни 61 фоизга пасайган.

- “TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” МЧЖнинг фаолияти таҳлили натижасида қуйидагиларга эга бўлдик. Ишлаб чиқарилган маҳсулот, иш ёки хизматлар ҳажми 2012 йилда 668346.2 минг сўмни, 2013 йилда 601905.9 минг сўмни, 2014 йилда эса 1610850.7 минг сўмни ташкил этади. 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 1008944.8 минг сўмга, яъни 167,6 фоизга кўпайганини кузатиш мумкин. Соф фойда кўрсаткичи 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 648920.4 минг сўмга, яъни 1443,7 фоизга кескин ошганини, корхонада ишчиларнинг ўртача сони 15 кишига, яъни 43 фоизга камайганини, унга параллел равишда ходимларнинг иш ҳақи фонди 79370 минг сўмга ёки 24 фоизга камайганини

кўриш мумкин. Аммо меҳнат унумдорлиги 2014 йилда бажарилган ишлар ҳажмининг ошганлиги ҳисобидан ўтган йилларга нисбатан 63345.235 минг сўмга, яъни 368.3 фоизга ошганлиги кузатилди.

Юқорида келтирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, ИБоб бўйича таҳлил натижаларидан қуйидаги хулосаларга келдик:

- Корхоналарда ишлаб чиқариш фаолияти тўғри йўлга қўйилган;
- Ресурслар ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланилган бўлсада харажатлар сарфини бошқаришда тўғри ёндашилмаган;
- Молиявий фаолият ва унинг натижалари билан боғлиқ вазиятни бошқаришда камчиликларга йўл қўйилган.

Шундай қилиб, корхонада бошқарув самарадорлигига баҳо бериш учун жуда кўп турли-туман миқдорий ва сифат кўрсаткичлари қўлланилади. Ҳар бир кўрсаткич қуйидаги тарзда таққосланилиши керак:

- бирор давр ҳақиқий кўрсаткичларини режадаги, нормативдаги кўрсаткичлар билан;
- жорий давр ҳақиқий кўрсаткичларини ўтган даврлар кўрсаткичлари билан;
- бир корхона ҳақиқий кўрсаткичларини бошқа корхона ҳақиқий кўрсаткичлари билан.

Шундагина иқтисодий таҳлил ҳам макон, ҳам замон нуқтаи назардан амалга оширилган бўлади.

III БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Қурилиш тармоғини модернизациялаш ва диверсификация қилиш шароитида корхона бошқарувини такомиллаштириш

Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва диверсификация қилиш, техник-технологик қайта жиҳозлаш, хусусан қурилиш тармоғидаги таркибий ислохотларни чуқурлаштириш ва уни янада жадаллаштириш ҳамда қурилиш ишлаб чиқариши кўламини кенгайтириш, қурилиш маҳсулотлари сифатини замон талаблари даражасига етказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш жараёни қурилишда бошқарув тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ.

Бошқарув тизимлари шаклланишининг назарий асослари ва концепцияси, уларнинг бозор шароити эҳтиёжларига жавоб берадиган ташкилий – иқтисодий механизмини кўриб чиқиш, қурилиш ташкилотларида бошқаришнинг асосий концепциясига асосланган бошқарув тизимларининг самарали амал қилишига олиб келади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қурилиш ташкилотларида бошқаришнинг марказий муаммоларидан бири – бу бозор шартларига тўлиқ мос келадиган бошқаришнинг ташкилий –хўжалик юритиш механизмини яратиш ҳисобланади. Қурилиш ташкилотларида бошқарув самарадорлигини ресурслар самарадорлигининг таъминотини яхшилаш ҳисобига ошириш мумкин. Қурилишда ишлаб чиқаришнинг бошқарув самарадорлиги бевосита бошқарув жараёни ва бошқарув фаолияти натижавийлигига боғлиқ.

Корхонада самарадорликни ошириш, иқтисодиётни рақобатбардош бўлишига ва ўсишига катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришни бошқариш тизимини такомиллаштириб бориш мулкчилик шакли, фаолият натижаси ва юзага келган ташкилий тузилманинг қандайлигидан қатъий назар, ҳар бир корхона учун муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифани муваффақиятли ҳал

этиш корхоналарга, биринчи ўринда, бошқарув тизимининг самарадорлигини оширишга, иккинчидан, харажатларни камайитириш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга имкон яратади.

Бугунги кунда қурилиш соҳасида бошқарув тизимини мукаммаллаштириш соҳасида қуйидаги тенденциялар юзага келмоқда (3.1.1-расм).



3.1.1-расм. Бошқарув тизимини такомиллаштириш тенденциялари*

(*Манба: Мавжуд ёндашувлар асосида муаллиф ишланмаси)

Бу тенденцияларга асосан корхоналарнинг бошқарув тузилмаларини такомиллаштириш йўналишлари ҳам аниқланиб, уларга аввало сифат кўрсаткичлари асос қилиб олинган. Бу кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Оптималлик — тузилма бўлинмалари ўртасида энг кам бошқарув бўғинларига эга бўлган ҳолда ўзаро алоқаларни рационал тарзда

ўрнатишдир. Шу сабабли кўп бўғинлиликини қисқартириш бошқарув тизимини такомиллаштириш олдига қўйилувчи талаблардан бири ҳисобланади.

- Тезкорлик (оперативлик) – барча функционал бўлинмаларнинг, зарур ҳолларда ишлаб чиқариш бўлинмаларининг, бошқарув қарорлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун ўзаро алоқалар аниқлик билан олиб борилиши.
- Ишончлилик – ахборотларни ўз вақтида олиш ва бошқарув қарорларини бажарувчиларга ва бажариш жойларига ўз вақтида етказишни таъминлайди. Ишончлилик ва тезкорлик жорий ва истиқболдаги бошқарув тизимининг самарадорлигида муҳим туртки ҳисобланади.
- Тежамкорлик – асосан бошқарув тизимида максимал самарага эришган ҳолда бошқарув аппарати ва унинг харажатларини камайтиришга, яъни ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига эришишдир[12, 65-бет].

Айтиб ўтиш керакки, корхона бошқарувини такомиллаштириш соҳасида барча учун бир хил йўл мавжуд эмас. Мазкур вазифа муайян шароит, ҳолат ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда юзага келади ва ҳал қилинади. Бироқ бунда ҳам ўзгармас бир қоида мавжуд бўлиб, унга кўра, ҳар бир ўзгартиришлар аввалдан ўйлаб чиқирилиши ҳамда илмий жиҳатдан асослаб берилиши зарур. Масалан, ҳозирги пайтда корхоналарни бошқаришни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида автоматлаштирилган бошқарув тизимини (АБТ) яратиш ва амалиётга киритиш ҳамда иш вақти йуқотишларининг олдини олиш, ускуналарнинг бекор туриб қолишини қисқартириш, меҳнат ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланишга кўмаклашувчи илғор технологиялардан фойдаланишни кўрсатиш мумкин.

Бошқарув тизимини такомиллаштиришда техник воситалар, бошқарув жараёнларини механизациялаштириш, жумладан АБС асосидаги фаолият, бошқарув тадқиқотлари ва лойиҳалари ўз-ўзидан ёки автоматик равишда керакли натижаларга олиб келмайди. Бу ерда кўп нарса инсонларнинг, айниқса

менежерларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Шу сабабли ижтимоий омилларнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш жамоасининг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги роликучайиши, айниқса, корхоналарга бошқаришнинг рационал шакллари танлашга кенг имкониятлар яратиб берилган ҳозирги пайтда муҳим аҳамиятга эга. Мустақилликни кенгайтириш ва ишлаб чиқариш жамоасининг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги роли ўсиши иқтисодий фикрлашнинг керакли томонга йўналтирилишига хизмат қилади ҳамда бошқаришни яхшилашни корхона раҳбаридан ташқари бутун жамоанинг вазифаси қилиб белгилайди[12, 66-67 бет].

Замонавий техника воситалари ва янги усуллардан ташқари корхоналарни бошқаришда ишлаб чиқариш жамоаларида зарур бўлган ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш ҳам катта аҳамиятга эга. Амалиёт шуни кўрсатадики, ижтимоий-психологик муҳит бошқарувнинг натижалари ва амалийлигини йўққа чиқариши ёки аксинча кучайтириши мумкин. Айнан психологик муҳит орқали зарур бўлган ишлаб чиқариш руҳияти шаклланади ва бошқарувнинг мақсадли вазифалари муваффақиятли амалга оширилади.

3.2. “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZ-QURILISH” МЧЖларнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари

Иқтисодиётни модернизациялаш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш бутун миллий иқтисодиётни, шу жумладан, унинг ажралмас қисми бўлган қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни жадаллаштиришни ҳам талаб қилади. Ҳозирда қурилиш соҳаси миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан замонавий тадбиркорлик шакллари, хусусан, хусусий тадбиркорлик даражасининг ривожланиши бўйича кутилаётган самарадорлик кўрсаткичларини таъминламаяпти. Шу сабабли ҳам ҳозирги даврда замонавий менежментнинг илғор усулларидан фойдаланган ҳолда қурилиш корхоналарида бошқарув самарадорлигини ошириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Бошқарув самарадорлигини ошириш турли корхоналар фаолияти

муваффақиятининг асосидир. Ҳозирги кунда бошқарув самарадорлигини оширишнинг кўплаб усул ва йўналишлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири бевосита бошқарилувчи объектнинг ўзига яъни, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларига ёки бошқарув фаолиятининг бирор-бир элементи самарадорлигини оширишга қаратилган. Қуйида бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишнинг умумий йўналишларини кўриб ўтамиз:

1. Бошқарувнинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш, ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартириш, шахсий сифат, малака ва тажрибани ҳисобга олган ҳолда раҳбарлик ваколатларини белгилаш.
2. Корхонанинг барча функционал фаолиятини қамраб олувчи ҳамда унинг кучли ва кучсиз томонларини ҳисобга олган ҳолда корхонани ривожлантириш учун стратегиялар ишлаб чиқиш.
3. Корхона ҳодимлари ва унинг бўлинмалари орасида самарали коммуникатив алоқани таъминловчи инфор­мацион тизимни ташкил этиш.
4. Корхонани бошқариш тадбирлари, қоидалари ва қарорларни қабул қилиш ва мувофиқлаштириш тизимини йўлга қўйиш.
5. Ўқитиш, қайта тайёрлаш ва ташаббускорликни ҳамда яратувчанликни ривожлантириш асосида ҳодимларнинг малакасини муттасил ошириб бориш.
6. Корхонага таъсир қилувчи ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда бошқарув усуллари­ни қўллаш, раҳбарларнинг шахсий сифатларини баҳолаш, уларнинг келажакдаги карьерасини режалаштириш тизимини ишлаб чиқиш.
7. Корхонада юқори ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш.
8. Корхонада ташкилий маданиятни ривожлантириш[38,302-303бетлар].

Юқорида келтирилган самарадорликни таъминловчи тадбирлар йўналиши нафақат ташкилотнинг самарали фаолият юритишини баҳолаши балки, ташкилотнинг кучсиз томонларини аниқлаб, уларни зудлик билан бартараф этиш ва муаммоларни самарали ҳал этиш имкониятини ҳам беради.

Умуман бошқарув самарадорлиги бошқарувнинг ўзига эмас, балки ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ишлаб чиқаришни самарали бошқариш корхонани ривожлантириш стратегиясига мос келиши лозим. Бунда асосий эътибор нафақат ишлаб чиқаришни бошқаришга, балки оқилона кадрлар сиёсатини амалга ошириш, молия-иқтисодий, маркетинг ва юридик бўлинмаларни малакали мутахассислар билан таъминлаш, кадрларнинг миқдорий ва сифат таркибини янгилашга қаратилиши лозим. Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни буюртмалар билан имкон даражада таъминлаш, уларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шароитлар яратиб бериш ҳам муҳим ҳисобланиб, бунда ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, капитал маблағлар таркибини ўзгартириш, янги товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва улар сифатини ошириш истиқболларини белгилаш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Корхонада бошқарув самарадорлигини оширишга самарадорликнинг мажмуавий омили ҳисобланувчи ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш орқали ҳам эришиш мумкин (3.2.1-расм).


Корхона фаолияти самарадорлигини оширишнинг энг муҳим йўналишларини аниқлаш бўйича назарий ёндашувлар таҳлили уларни икки гуруҳга бирлаштириш имконини берди:

Игурух - корхона фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ тадбирлар.

Игурух – ресурслар сарфини камайтириш билан боғлиқ тадбирлар.

Бошқарувни такомиллаштириш бўйича тадбирлар самарадорлиги асосан муассаса, ташкилот фаолиятининг у ёки бу кўрсаткичларининг ўсишида кўринади. Шунинг учун айтиб ўтилган тадбирларни тадбиқ этишдан олинган иқтисодий самарадорликни аниқлашда ўсувчи кўрсаткичларнинг ишлатилиши самарадорликнинг объективлигини таъминловчи асосий томоил ҳисобланади.

Бошқарувнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари




3.2.1-расм. Самарадорлик омиллари классификацияси*

(*Манба: Васильев Ю.В., Парахина В.Н., Ушвицкий Л.И. Теория управления. Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2009. 526-бет.)

Ушбу тадбирларни тадбиқ этиш ва натижалари ҳисобини юритишда энг объектив айрим ёки кенг кўламдаги тадбирлар самарадорлигини баҳолаш мезони деб қабул қилинган кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича АҚШ иқтисодчи олимлари қуйидаги бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ҳамда бир-бирини тақозо этувчи тамойилларни келтириб ўтадилар (3.2.2-расм).



3.2.2-расм. Самарадорлик тамойиллари*

(*Манба: Интернет маълумотлари асосида)

-Efficiency (тежамкорлик) - ресурслардан фойдаланиш даражасини акс эттиради(ресурслардан оптимал фойдаланиш, хом-ашёни қайта ишлаш, ресурслар сарфини моделлаштириш).

-Productivity (унумдорлик) –харажатлар билан ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

-Profitability (фойдалилик) –юқори даражада (даромад) фойда олишга интилиш билан изоҳланади.

-Innovation (янгилик-новаторлик) –корхона фаолиятининг турли функционал соҳаларига янгиликларни тадбиқ этишдир.

-Quality of work life (меҳнат шароити сифати) - ходимларга шароит яратиш ва дам олишини ташкил этиш (меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш).

-Effectiveness (самарадорлик) – режалаштирилган мақсадга эришиш даражаси.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналар бошқарувининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- ишлаб чиқариш ва бизнес самарадорлигини оширишга интилиш ҳамда корхона томонидан режалаштирилган пировард натижага эришишга йўналтирилганлик;
- ташқи муҳитдаги ўзгаришларга боғлиқ ҳолда белгиланган мақсадлар ва дастурларга доимий равишда тузатиш киритиб бориш;
- режалаштириш жараёнини жорийдан истиқболга қараб ўзгартириш;
- бошқарув қарорларини қабул қилишда кўп вариантли ҳисобларни амалга ошириш учун ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш;
- корхона фаолиятини самарали бошқаришга барча ходимларни жалб этиш;
- бошқарув жараёнида рўй бераётган ўзгаришларни таҳлил этиш ва тегишли мослашувчан қарорлар асосида иш олиб бориш;
- корхона бошқарувининг барча бўғинларида инновацион ёндашувдан кенг фойдаланиш ва ҳ. к. лар.

ШБоб бўйича хулоса

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналар бошқаруви самарадорлигини ошириш мамлакат иқтисодийни истиқболли ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Мазкур ҳолатда корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти ички ва ташқи омиллар таъсирида такомиллашади. Улар олдига ўз фаолиятларини бозор тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш талаби қўйилади.

Бу каби талаблар корхоналарга харидорлар эҳтиёжларини оптимал даражада қондириш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган ҳамда ташқи муҳит ўзгаришларига мослашувчан бошқарув тизимини вужудга келтиришни тақозо этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашда бошқарув самарадорлиги алоҳида ўрин эгаллайди, чунки ҳар бир иқтисодий тизим ва жараён самарали бошқаришни талаб қилади. Иқтисодийнинг бошқариш самарадорлиги дейилганда, авваломбор, бошқариш жараёнининг натижавийлиги тушунилади.

Шуни таъкидлаш зарурки, корхонани самарали бошқариш қуйидагиларга бевосита боғлиқ:

- аниқ мақсаднинг мавжудлиги. Бу корхонанинг самарали фаолият кўрсатишига имконият яратади, унинг ҳодимлари ҳаракати йўналишларини белгилаб беради;
- корхона барқарорлиги, ички ва ташқи иқтисодий муносабатларда мустаҳкамлик ҳамда доимийликни таъминлайдиган ички мувофиқлаштирувчи тизимнинг амал қилиши;
- корхонанинг барча ички жараёнларини ўз-ўзини тартибга солиш тамойили асосида мувофиқлаштирилганлиги;
- корхонанинг алоҳидалиги яъни уни бошқа корхоналардан ажратиб турувчи чегаранинг мавжудлиги;
- ташкилий маданиятнинг мавжудлиги.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида менежмент миллий иқтисодиётнинг бирламчи бўғини бўлган корхоналарни самарали фаолият кўрсатиши ва уларни истиқболли ривожлантиришни таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Макроиқтисодиёт нуқтаи назаридан корхоналарнинг самарали ривожланиши қуйидаги ижобий афзалликларга эга:

- биринчидан, аҳолининг мавжуд эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга имкон беради;
- иккинчидан, иқтисодий ўсишни таъминлайди. Бу эса бевосита ялпи ички маҳсулот миқдорининг ўсишида намоён бўлади;
- учинчидан, аҳолининг яшаш даражаси, фаровонлиги яхшиланади;
- тўртинчидан, меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашга кўмаклашади.

Микроиқтисодий нуқтаи назаридан эса, корхона олаётган фойда миқдорини ошиши натижасида ходимларнинг даромадлари кўпаяди, жамғаришга кўпроқ маблағ ажратилиши натижасида корхонанинг ички инвестиция қилиш имкониятлари ошади. Бу эса уни инновацион асосда ривожланишига имкон беради. Энг асосийси, корхонанинг маҳсулотга бўлган талаби кўпроқ даражада қондирилиб боради.

ХУЛОСА

Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва диверсификация қилиш, техник-технологик қайта жиҳозлаш, хусусан қурилиш тармоғидаги таркибий ислохотларни чуқурлаштириш ва уни янада жадаллаштириш ҳамда қурилиш ишлаб чиқариши кўламини кенгайтириш, қурилиш маҳсулотлари сифатини замон талаблари даражасига етказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш жараёни қурилишда бошқарув тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ. Чунки, дунё тажрибаларидан ва Ўзбекистонда орттирилган тажрибалардан кўриниб турибдики, ҳозирги замон иқтисодий ривожланишнинг асосий хусусиятларидан бири корхона самарадорлигини оширишнинг муҳим масалаларидан бири бўлиб бораётганлигидир. Республикамизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари қаторига хусусий тармоқ ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш киради. Шу нуқтаи назардан ҳам уларни ривожлантиришни жадаллаштириш ва ЯИМдаги улишини кўпайтириш, бозор иқтисодиётига мос товар ва хизматлар бозорини шакллантириш ҳамда маҳсулот экспортини оширишда корхона фаолияти самарадорлиги ошириш бош вазифаси сифатида туради. Айниқса, ҳозирги пайтда бу вазифа муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг сабаби шундаки, корхона самарадорлигини оширмасдан туриб, мамлакатимиз олдида турган муҳим масала мустақил иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифасини амалга ошириб бўлмайди. Самарадорликнинг иқтисодий мазмуни сифатида ҳар доим ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси билан авансланган ресурслар, маблағлар ёки қилинган харажатлар ўртасидаги нисбат тушунилади.

Корхона самарадорлиги кўп қиррали масала бўлиб, уни айтилган биргина асосий кўрсаткичда тўла равишда ва ҳар томонлама ифодалаб бўлмайди. Шунинг учун корхона самарадорлигини тўла ифодалашда унда қатнашган омилларнинг унумдорлигини, улардан самарали фойдаланиш даражасини ифодаладиган кўпгина кўрсаткичлар тизимидан

фойдаланилади. Булардан асосийлари меҳнат унимдорлиги ва капитал унимдорлигидир.

Корхона самарадорлигини аниқлашда бу кўрсаткичлардан ташқари маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, энергия сиғими деган кўрсаткичлар ҳам қўлланилиб, улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳар бир бирлигини яратиш учун кетган ёки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат, энергия ва моддий ашёлар миқдорини ифодалайди. Бу кўрсаткичларнинг ҳар бири ишлаб чиқаришда қатнашган турли омиллар самарадорлигини ифодалаб, бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

Бу борада қурилиш корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятида ишлаб чиқаришни интенсив асосда ривожлантиришда кескин бурилишни амалга ошириш зарур, ҳар бир қурилиш корхонаси ва ташкилотлари биринчи навбатда иқтисодий ўсишга асосий эътиборини қаратиши лозим. Бундай юқори самарага ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари орасида яхши ҳўжалик механизмини яратилиши орқали эришилиши мумкин.

Корхонанинг бошқарув самарадорлигини аниқлашнинг янги методологик ва услубий асосларини яратиш ҳозирги ҳўжалик юритишнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқотнатижаларидан келиб чиқиб, қуйидагича хулосалар ҳамда таклиф ва тавсияларни бериш мумкин:

1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона самарадорлигини оширишга бир қанча омиллар таъсир қилади, шулардан ташқи омиллар ҳозирги шароитда ҳал қилувчи ҳисобланади. Шунинг учун “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” МЧЖ-ларнинг барча функционал фаолиятларини қамраб олувчи ҳамда бошқарув самарадорлигига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда корхонани ривожлантириш учун узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш;

2. Қурилиш корхоналарининг ташкилий тузилмаси таҳлили шундан далолат берадики, корхоналарда бошқарув функциялари иерархиялашуви кузатилган бўлиб, бошқарувнинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш учун ортқча бошқарув бўғинларини қисқартириш ва бошқарувнинг ҳозирги шароитга мослашувчан тузилмаларини яратиш орқали эришиш мумкин;

3. “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZ-QURILISH” МЧЖларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

- корхоналарда ишлаб чиқариш фаолияти тўғри йўлга қўйилган;
- ресурслар ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланилган бўлсада харажатлар сарфини бошқаришда тўғри ёндашилмаган;
- молиявий фаолият ва унинг натижалари билан боғлиқ вазиятни бошқаришда камчиликларга йўл қўйилган.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда корхона ихтиёридаги даромад келтирмайдиган активлар улушини камайтириш ва корхонанинг маъмурий харажатларини айниқса, корхона фаолиятига тааллуқли бўлмаган харажатларни бутунлай қисқартириш, шу билан бир қаторда корхона томонидан акцияларни муомалага чиқариш ҳамда узоқ муддатли ресурсларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

4. Корхонанинг бошқарув самарадорлиги таҳлили натижасида меҳнат унумдорлигига таъсир қилувчи энг асосий омиллар иш ҳақи ва меҳнат шароитлари сифати эканлиги аниқланди. Жумладан, “QURILISH POLIMER SERVIS” МЧЖда меҳнат унумдорлиги 28 фоиз, “TOSHMAXSUSPARDOZ-QURILISH” МЧЖда эса 85 фоиз иш ҳақиға боғлиқ бўлиб, демак корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади:

- Ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот (хизмат) сифатини ошириш мақсадида меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, бунда ходимларга шароит яратиш ва дам олишини ташкил этиш ҳамда ижтимоий-психологик тадбирларни амалга ошириш;

- бошқарувнинг иқтисодий усулларига аҳамият қаратиб, ходимларни шахсий сифат ва малакаларидан келиб чиққан ҳолдаиш ҳақиға қўшимча мукофотлар, устамалар ва имтиёзлар билан рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

- корхона ходимлари ва унинг бўлинмалари орасида самарали коммуникатив алоқаларни таъминловчи информацион тизимни ташкил этиш;

- малака ошириш, қайта тайёрлаш ва ташаббускорликни ҳамда яратувчанликни ривожлантириш асосида ходимларнинг касбий билим ва маҳоратларини муттасил ошириб бориш.

- ташкилот мақсади йўлида корпоратив рух ва корпоратив маданиятни ҳамда ишчилар профессионализминини ривожлантириш;

5. “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” МЧЖларнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсиялар берилади:

- корхонани бошқариш тадбирлари, қоидалари ва қарорларини қабул қилиш ва мувофиқлаштириш тизимини йўлга қўйиш;

- корхонага таъсир қилувчи ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда бошқарувнинг замонавий усуллари қўллаш, раҳбарларнинг шахсий сифатларини баҳолаш, уларнинг келажакдаги карьерасини режалаштириш тизимини ишлаб чиқиш;

- корхоналар самарадорлигини ошириш учун аввало инновацион жараёнларни тезлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларидан оптимал даражада фойдаланиш ва унинг натижаларини амалиётга тадбиқ этиш.

Шунингдек, “QURILISH POLIMER SERVIS” ҳамда “TOSHMAXSUSPARDOZQURILISH” МЧЖлар фаолиятининг ривожланиш истиқболларини қисқа, ўрта ва узок муддатларга мўлжалланиши лозим. Бунда муайян даврдаги иқтисодий ривожланиш ҳолати бозор конъюнктурасининг ўзгариб бориши тенденцияларига асосланиб, келажакдаги иқтисодий аҳволнинг қандай бўлиши, қандай натижаларга олиб

келиши мумкинлиги башорат қилинади. Бундан ташқари, бошқарувнинг асосий эътибори ва савий-ҳаракати қурилиш ишлари билан бозор талаби ўртасидаги нисбатларни таҳлил қилишга қаратилган бўлиши керак.

Фикримизча юқоридаги таклифларга асосланиб, фаолият юритган қурилиш корхоналари бошқарув самарадорлигини ошириш учун қуйидаги имкониятларга эга бўладилар:

- ишлаб чиқаришнинг юқори даражадаги самарадорлиги;
- бозордаги улушнинг ортиши;
- ресурслардан оптимал фойдаланиш ҳисобига харажатларни камайтириш;
- ташқи муҳит билан ўзаро мувофиқлашган тарздаги алоқани таъминлаш;
- бошқарув қарорларини қабул қилишда аниқлик ва уларни бажаришда тезкорликка эришиш.

Бу санаб ўтилган омиллар корхона бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга таъсир қиладиган асосий ҳамда барча тармоқ корхоналари учун умумий бўлган омиллардир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

I.Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. №3. –Т.: Адолат , 2004.
3. Ўзбекистон Республикаси “Корхоналар тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. –Т.: Ўзбекистон ,1992.

II.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора тадбирлар тўғрисида. 2009йил 20январь, ПҚ-1041-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 январдаги “2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида” ги Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги “Бошқарув ходимларининг сонини тартибга солиш ва уларга сарфланадиган харажатларни мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 363-сонли Қарори

III.Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.Каримовасарлари ва маърузалари

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь.

9. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2013 йил 21 январь.
10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
11. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш тараққиётимизнинг муҳим омилидир.- Т.: 2010-158 б.

IV. Асосий адабиётлар

12. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: 2009.
13. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Ҳайитов А.Б., Акбаров А.М. Персонални бошқариш. (Ўқув қўлланма). -Т.: 2004.-160 б
14. Армстронг М. Практика управления человеческими ресурсами. 10-е издание./ Перевод с английского под редакцией С.К. Мардовина. – СПб.: Питер, 2009.-848 с
15. Базарова Т.Ю., Еремина Б.Л. Управление персоналом. –М.: Юнити, 2006.
16. Васильев Ю.В., Парахина В.Н., Ушвицкий Л.И. Теория управления. Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2005.-608с.
17. Фуломов С.С. Менеджмент асослари. (Ўқув қўлланма). -Т.: 2002.-242 б
18. Додобоев Ю., Худойбердиев А. Корхона иқтисодиёти. (Ўқув қўлланма). – А.: Андижон нашриёти ОАЖ, 2002. -380 б
19. Зайнуддинов Ш.Н., Шермухаммедов А.Т., Муракаев И.У. Менеджмент. Дарслик. – Т.: LFUWU. 2005.-240 б.

- 20.Зиявутдинова Н.М., Ёринов Й.М., Хайитов Ш.Н. Менежмент. (Ўқув қўлланма). -Т.: Тафаккур бўстони, 2012.-312 б.
- 21.Йўлдошев Н.Қ., Қозоқов О.С. Менежмент. – Т.: Фан нашриёти, 2004.
22. Кибанов А., Дуракова И.Б. Управление персоналом организации: Актуальные технологии найма, адаптации и аттестации. (Учеб. пособие). – М.: КНОРУС. 2010. - 368с.
- 23.Кнорринг В.И. Основы искусства управления. (Учеб. пособие). – М.: Дело, 2003.-328с.
- 24.Котлер Ф., Келлер К.Л. Маркетинг - менежмент. – М.: Питер, 2006.
- 25.Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. (Ўқув қўлланма).–Т.: ТДИУ, 2004. -208 б
- 26.Мескон М., Альберт М., Франклин Х. Основы менежмента. –М.: Дело. 2002.
- 27.Мухитдинов Х.А., Собиров А.А. Бошқарув назарияси. Дарслик. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. -240 б.
- 28.Нуримбетов Р.И. Корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. –Т.: 2012.
29. Нурматов Р.С., Джалалова И.А... Корхона иқтисодиёти. Дарслик.-Т.: Фан ва технология, 2014.-425 б.
- 30.Одегов Ю.Г., Абдурахманов К.Х., Котова Л.Р. Оценка эффективности работа с персоналом. (Учеб. пособие). – М.: Альфа-Пресс, 2008.
31. Пардаев М.Қ., Хасанов В.А...Молиявий ва бошқарув таҳлили. (Ўқув қўлланма). – Т.: Чўлпон, 2012.- 400 б.
- 32.Перегудов Л.В., Саидов М.Х . “Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти” (Ўқув қўлланма). – Т.: Молия, 2002. -184 б.
33. Сабирджанова Д.К., Производственный менежмент. (Учеб. пособие). – Т.: 2011. - 242с
- 34.Скляренко В.К., Прудников В.М. Экономика предприятия. Учебник. –М.: Цифра-М, 2006.
- 35.Соколова М.И., Дементьева А.Н. Управление человеческими ресурсами. Учебник. - М.: ТК Велби, Из-во Проспект, 2005.-240с.

36. Стивен П., Коултер М. Менеджмент. Москва. Санкт-Петербург. Киев, 2007.
37. Торрингтон Д., Холл Л., Тэйлор С. Управление человеческими ресурсами. Учебник. Пер. 5-го англ. Издания. науч. ред. перевода Хачатурева А.Е. – М.: Дело Сервис, 2004. -752с.
38. Улашев И.О., Атамурадов Ш.А. Корхона иқтисодиёти ва менежменти. Дарслик. – Т.: Тафаккур бўстони, 2013. -232 б.
39. Фатхутдинов Р.А. Производственный менеджмент. Учебник. –М.: Питер, 2008.
40. Фатхутдинов Р.А. Стратегический менеджмент. Учебник. –М.: Дело, 2004.
41. Хасанова Р., Махмудов Б. Экономика и организация производства. (Учеб. пособие). –Т.: “Тасвир”, 2009. -296 с.
42. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менеджмент (Дарслик). – Т.: Ўқитувчи, 2001. -702 б.

V. Қўшимча адабиётлар

43. Ата-Мирзаев О., Тухлиев Н. УЗБЕКИСТАН: природа, население, экономика. -Т.: Гос.науч.издательство.2009.
44. Бакиева А., Хашимова С., Бакиева И. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва иқтисодиёт. –Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2010. -208 б
45. Волгин Н.А, Одегова Ю.Г. Экономика труда: (социально-трудовые отношения). –М.: «Экзамен», 2006. -736с.
46. Каратуев А.Г. Финансовый менеджмент. – М.: ИД ФБК-Пресс, 2001.
47. Павленков В.А. Рынок труда: Занятость; Безработница: Учебник для Вузов. –М.: МГУ, 2006. -368с.
48. Прокопчук Л.О. Стратегический менеджмент. Издательство Михайлова В.А. – С.Петербург, 2004.
49. Стивен В.А. Управление персоналом для инженеров. – М.: 2008.
50. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. Учебник. –М.: ЗАО «Бизнес-школа», «Интел синтез», 1998.

51. Холмўминов Ш.Р., Хакимов Х., Боқиева И., Маҳкамбоев А. Меҳнат кўрсаткичлари таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006. -112б.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

52. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари. - Т.: 2012.
53. Умирова Д. Модернизация давр талаби. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Т.: 1/2012
54. Корхонани бошқариш/Управление предприятием 2012./1-12 сонлари
55. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Т.: 2013/2-6 сонлари.
56. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари - Т.: 2013.

VII. Интернет сайтлари

57. www.bearingpoint.uz -“Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг веб-сайти
58. www.goldenpages.uz -Иқтисодиётнинг энг сўнгги янгиликлари
59. www.bilimdon.uz - Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг веб сайти
60. www.fils.nuu.uz -Ўзбекистон Миллий Университетининг автоматлаштирилган информацион–кутубхона тизими портали.
61. www.tsue.uz ТДИУ веб сайти
62. www.economyta-culty.uz – Ўзбекистон иқтисодиёти сайти
63. www.statistics.uz - Ўзбекистон статистика қўмитасининг расмий сайти
64. www.Lex.uz - Ўзбекистон қонун ҳужжатлари базаси
65. www.uzreport.com – Ўзбекистон янгиликлари сайти.
66. Sunny.ccas.ru – Жаҳон кутубхоналари сервери.
67. www.uza.uz – Ўзбекистонахборот агентлиги сайти.